



Ҳалима Худойбердиева

# Чаман

Шеърлар

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЯТИ  
ТОШКЕНТ → 1974

Ўз2

X87

Худойбердиева Ҳ.

Чаман. Шеърлар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.

96 бет.

Ҳалиманинг шеърлари ўқувчига унинг «Илк муҳаббат», «Оқ олмалар» шеърый китоблари орқали яхши таниш.

«Чаман»—шоиранинг учинчи китобидир.

Ҳалима Худойбердиева 1948 йилда Сирдарёда деҳқон оиласида туғилган. Олий маълумотни В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат Дорилфунунида олган.

Худайбердыева Х. Цветник. Стихи.

7—4—3—98

X—M—352—06—74<sup>40—74</sup>

© Фафур Фулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 й.

## ҚҰШИҚЛАРИМ

Менинг қўшиқларим, менинг дардларим,  
Ўқувчим, сен томон талпинар ҳар дам.  
Унда шитирлаган олма барглари,  
Илк севгидан қизнинг кўзларида нам.  
Тингларкансан, келар кўзинг ўнгига —  
Нон ҳидин анқитган буғдой бошоғи,  
Қорайган далалар кўринар сенга  
Кеч кузак, эл ризқи йиғилган чоғи.  
Тоғларда юз очган биринчи лола —  
Виқор, ҳусни билан акс этар унда.  
Тўпори, яланг бош, бир тўда бола —  
Оталар тақдирин баҳс этар унда.  
Унда илк фарзандин кўролмай кетган  
Мурти сабза урган отанинг ёди  
Ва кўҳна дунёни зир-зир титратган —  
Тобут устидаги она фарёди.  
Унда тулпорини шўх йўргалатган  
Чавандоз йигитнинг бошидаги қор.  
Ҳаёт, ўлим ҳиссин бир қилиб тотган —  
Тўлғоқ тутган аёл дарди унда бор...  
Кўрдингизки, силлиқ эмас қўшигим —  
Силлиқ қўшиқларга қўймадим ихлос.  
Ҳаёт оқимига қулоқ тутдим жим —  
Кемасин бошқардим денгизчига хос.  
Менинг қўшиқларим, менинг дардларим —  
Шундан кейин қалбдан қуйилгани рост.

## ҚИЗИЛ ГУЛ

Зангор осмон остида —  
Очилмоқда қизил гул.  
Қип-қизил!  
Ун беш ёшли қизчаларнинг лабларига ўхшаш.  
Тошқиниб, довдираб очилмоқдадир ул  
Билмасдан тўхташ.  
Аллақаёқлардан бия уюридай  
Булутлар тўдаси келар бостириб —  
Қизил гул наздида куйлаётир бир най —  
Унинг чиройини шай туриб.  
Булут кўз ёш тўкар,  
Кимдир маъюс боқар —  
Кўз ёш тўкар кейин ўзи ҳам.  
Қизил гул ёмғирдан исирғалар тақар—  
Силкиниб хуррам.  
Ёмғир эзиб ёғар, ғами ортиб бу дам —  
Кимнингдир кўз ёшдан ёстиқлари ҳўл.  
Гўдакдай кўп йироқ, унинг дардларидан—  
Маъсум қизил гул.  
Олдин бир ёқимтой табассум қилди-ю  
Сўнг қиқирлаб шўхчан кула бошлади ул.  
Зангор осмон остида, юрагида тошқин, ғулу,  
Очилмоқда қизил гул!

## ИНСОННИ КУЙЛАШ УЧУН

Шоир ўзи асли йўқ, аммо одам, олам бор,  
Шоир ўзи йўқ, аммо бордир нон, туз, ризқи-рўз.  
Оламни кундан-кунга яшнатаркан улугвор  
Ўзи куйсиз яшаса тугилажакдир афсус.  
Одам шу хил «олам» деб сарфларкан бор кучини,  
Заҳматкаш меҳнат ўзи яратар чин куйчини.  
Бугдой бўлиқ ялтиллаб бошоқ тортмаса, айтинг,  
Қай кўнгилга сиғарди бугдойзорда куйламоқ.  
Янги бугдой нонини кўзингга суртган пайтинг,  
Қарз-ку ота деҳқонни пондек суйиб, сийламоқ.  
Ота деҳқон «ризқим» деб тинмаган жоним менинг,  
Сизни шарафламоқлик армон, армоним менинг.  
Оқ пахтам хирмонлари кўкларга чўзмаса бўй,  
Умидларнинг хирмони қорда қолса тасодиф.  
Шоир ўз хонасида беркиниб сурганча ўй,  
Шавқланса пахтакорнинг хаёлий бахтин ёзиб.  
Бевақт қироат қилган бу овоз тинса тузук,  
Бевақт қогоз тирнаган қалам ҳам синса тузук.  
Она қўлидай юмшоқ оқ пахтани қучаркан,  
Меҳнатнинг нашъасидан кўзларинг ёшланмаса.  
Сумбуланинг сувидай қуёш пурин ичаркан,  
Сумбуладек тиниқ куй дилингда бошланмаса,  
Гарчандки, шу тупроқнинг нон-тузи билан ўсдинг,  
Куйчиси эмассан сен, қаламни тутма дўстим.  
Қулоқ сол, хирмонларнинг қўшиғи кўклардадир,  
Ердаги чумоли ҳам елкалабди ўз юкин.  
Кошонасида қуёш ўқимоқда шан сатр,  
Қанча ҳуш оҳангларни ортмоқлаб кетмоқда кун.  
Карвон борар, ҳавасга учирмагил дил қушинг,  
Сафларида сен ўзинг юра олмасанг тушиб.  
Беш чаноқда орзудай гупуриб пахта унсин,

Қуёшга боғланар Ер унинг толаси билан.  
Бу толага чирмашиб Қуёшга чиқар инсон,  
Уни куйламоқ керак авж пардада, ҳа, баланд!  
Эшит, янграр ҳар лаҳза оламнинг қалбин рози  
Улуғвор замонага улуғвор куйчи лозим.

## ҚҰЛЛАРИМ ҚҰЙЛАМОҚДА

Эгатларим этаги уфққа туташмоқда,  
Орзуларимдай узун,  
Орзуларимдай тўкин.  
Кўрингани йўқ лекин орзуларнинг поёни,  
Орзулар орзусида ёнмоқдадир ёш жоним,  
Жоним ёнмоқда лекин,  
Лекин бу эгатларим қумликда чизган йўлим  
Ёнаётган кўксимга уфурар майин атр.  
Ва бола йўргаклаган тинмагур икки қўлим,  
Менинг шу икки қўлим  
Беовоз куйлаётир,  
Бетиним куйлаётир.  
Дилимнинг қўшиқлари учмоқдадир ҳавога,  
Дилимнинг қўшиқларин тингувчи шамолга йўй.  
Қўлимнинг қўшиқлари тўлиқ-тўлиқ навога,  
Кўринг, қўлим қўшиғи эгатларда чўзар бўй.  
Асрий қумликлар аро ниш урган умидларим,  
Соғлом гўдакдай дурқун, талтайиб куртак ёзсин.  
Кўпроқ йўқласин уни осмоннинг булутлари,  
Қум кўчган мисдай ерни шодликнинг сели боссин.  
Инсоннинг қудрати, ҳа, ўзимнинг қудратимга  
Инониб бормоқдаман оламга очиб қучоқ.  
Қузғун учган саҳролар макон бўлмай олтинга,  
Қўлларимнинг қўшиғи жаранглаб урилган чоқ.  
Дейлик, олма кундан-кун қизилланиб олар ранг,  
Алвонланиб бориши қўзғатади ҳавасни.  
Шу ҳора тупроқли Ер, менинг юмалоқ куррам,  
Дам сайин қизғиш тортган олмага ўхшамасми?  
У ҳам худди гўр мева, ҳали пишганича йўқ,  
Қўлимнинг қўшиқларин шиддати гупирмоқда.  
Шундан унинг қай бурчи сариқ, қай бир бурчи кўк,

Аммо у бора-бора яшил рангга кирмоқда.  
Булутдан, шамоллардан куч олмоқда овозим,  
Дилимнинг қўшиқлари ўрламоқда кўкларга.  
Ортдан кузатяпман қулочимни кенг ёзиб  
Юксалган қўшиқларим учмасин деб ўқларга.  
Самони чулгаётган қўшиқлар соясида  
Қўлларим куйламоқда, ҳеч тўхтовсиз тўкиб тер.  
Дам сайин авжланган бул қўшиқ ниҳоясида,  
Ям-яшил бир япроққа айланмоғи керак Ер.  
Шунгача тинчимас қўл,

Эгатлар — энг равон йўл.

Жаранглар туғдирар ул — ўзи беовоз жаранг.  
Чанқоғин босар ундан қовжираган ўнгу-сўл.  
Қўлларимнинг қўшиғин ранги—тирик, яшил ранг,  
Токи қон иссиқ экан, икки қўлим куйлаб тур,  
Куррамизнинг кўклиги—қўлларнинг қўшиғидир.



## ШОШМА, ҚУЕШ

Дунё айланади, айланар бошим,  
Кундан кутганимни этолмадим жам,  
Бунча ошиқмасанг, порлоқ қуёшим,  
Ҳадемай тун келар, олажаксан дам.  
Қуёшим, беркинма булут ортига,  
Бу тунд ҳам ёввойи осмонни ёрит.  
Кун келар, кетармиз зулмат юртига,  
Оти оқсоқланган йўлчидай ҳориб.  
Бу кун кўряпсанми отим гижинглар;  
Ишонса бўлади бу отга бугун.  
Қизгин чорлаяпти базму гурунглар,  
Ечилиб бормоқда дилда бор тугун.  
Қанчалик чарх урсам камдир, кам бу кеч,  
Қўрқаман, оҳ, бу кеч ростми ё тушдир.  
Ҳеч нарса хотирни қилмас жам бу кеч,  
Бу кеч қалб парвоздан толмаган қушдир.  
Кўп нарса берасан, қонмам барибир,  
Эй, қодир табиат, яна бўл сахий,  
Билмоқни истайман қанчаки бор сир  
Жаннат бандаси ким, кимлар дўзахи...  
Шу хил ўйлар билан тўдага тушиб,  
Давра шукуҳидан кўзларим тинар.  
Жовдираган кўзлар оларкан ҳушим  
Ҳаммаси жаннати бўлиб кўринар.  
Бу боғлар ҳуснига тўймас экан ким,  
Тирик туйғулардан титраркан қай жон.  
Мен унинг кўзида жаннатни кўрдим,  
Ўзини «жаннати», — деб қилдим эълон.  
Кунлик умр охирлар, айланар бошим,  
Кундан кутганим кўп, этолмайман жам.  
Бунча ошиқмасанг порлоқ қуёшим,  
Порла, тун келганда олажаксан дам.

## БИР ИНСОН

Бир инсон туғилди, худди тоиг чоги  
Яшаш ишқи билан бўртган куртакдай.  
Дўмбоққина бола, серҳосия тупроғу  
Қуёшдан бақувват тортган куртакдай.  
Куртак бўртиб қолди, ўйламанг бола тар  
Уни узманг яна куртак чоғида  
У қуёш нурларин шодон қарши олар,  
Етилиб бормоқда нур қучоғида.  
Унинг орзуси кўп, нур билан ўйнашиб  
Елларга юз тутиб кулмоқчидир у.  
Шундай яшнасинки, кўрган қолсин шошиб,  
У бир барг бўлсинки, ям-яшил, сулув...  
Шу куртакка ўшар туғилган чақалоқ.  
Нурдай даркор унга онасининг сути  
Атак-чечак бўлиб йўлга киргани чоқ  
Етаклаймиз жажжи қўлидан тутиб.  
Унга катталардан бугун шафқат даркор,  
Гарчанд, шафқат недир этмаса ҳам ҳис  
Оламда қуёш бор, меҳр бор, одам бор,  
Унга бу дунёларни биз очамиз.  
У дунёга келди, у яшаши керак,  
Эрка бўлиб, қўлдан қўлларга ўтиб.  
Унинг кўкрагида урар митти юрак  
Ўзида сершавқ бир умрни беркитиб.  
Шу ҳали тупроққа тегмаган оёқлар,  
Толиқиш билмаган бир сайёҳ сиёқли,  
Кезади дунёлар,  
Йироқ дарёларнинг соҳилларида.  
Темирдай бармоқлар сузар нақ кемадай,  
Отасининг тенги бир сқсоқол чолнинг  
Эрка қизалоғин кокилларида,

Сочлар тўлқинида Ёзади кемадай.  
Гўдакни уйғотар бесабр туйғулар  
Дунёга дунёча у меҳр қўяди.  
Кўзларида ҳаёт тўлқини ойдай тўлар  
Кимнидир суяди, кимдандир қуяди.  
Хулласи, тугал бир умрни сўрайди,  
Ҳақли талаб билан дунёдан, биздан.  
Кун келар, беминнат нур билан ўрайди  
Дунёни ва бизни у улғайган дам.  
Ҳозир-чи, ҳозирча узмангиз куртакни  
Тинч қўймас эртанги боғларнинг завоти.  
Асрангиз, эртанги елкадош ўртоқни.  
Бугунин, камолин.  
Онасининг ширин сутига тўймасдан,  
Улғайиб, орзудай бир қиз деб куймасдан,  
Роҳатлар берувчи азобни туймасдан  
Ҳайратлар ичида суймасдан,  
Ногоҳда  
Тупроқни қучмасин, ёнмасдан ўчмасин  
Шу ўсиб-унгувчи дуркун ва норғул  
Бир тугал ҳаётнинг талабгори—Ўғил.

\* \* \*

\*

Қор—оқ ипак, чувалади  
Қордай бу тонг ўйларим.  
Ким у маъюс, шўх чалади  
Қишнинг тиниқ куйларин.  
Юрагимни титратар ул,  
Ёдимга сен келасан.  
Қўлимга баргмас ё гул—  
Қор бўлиб тўкиласан.  
Оқарар замин, хилқат,  
Сезмасман ернинг кўркин.  
Сендан келмай хабар, хат,  
Қор эриб кетар бир кун...

## СУРУР

Митти юраккинам, туғён кўтаргин  
Дамлар хиёнаткор, учиб ўтарким,  
Улгурмай қолармиз етмоқда қувиб,  
Унинг суви бизнинг боғларни ювиб,  
Нимжон ниҳолларни чаптаст кўчириб,  
Оқизиб кетар-ки, кузатиб туриб,  
Чидай олмасмизу бу армон, ўтга,—  
Айланиб кетармиз оппоқ булутга.  
О, митти юрагим, ўрнингдир боғда,  
Унда ниҳолларинг гулга кирмоқда.  
Тўкилиб кетмасин улар гулликда,  
Улар мева бўлар хилма-хилликда  
Ва ширин таъмликда там-там мевалар,  
Уни ардоқлашни унутмасанг гар.  
Сен даврани туғён, ўтлар билан қур,  
Боғлар чорлар, югур, боғларга югур.

\* \* \*

\*

Алвонланиб борар кун чиқар тараф,  
Кун чиқар тарафдан ёғар зиёлар.  
Ёғдулар қуюлар жимгина тнтраб  
Айлана бошлагач ўнгга рўёлар.  
Туннинг қаттиқлиги кўзимда эрир,  
Томчилаб йўқолар кўздан пардалар.  
Ҳорғин чашмаларда жилоланар нур  
Тун қўйнида қолгач ўкинч, зардалар.  
Бир қўшиқ айтмоқда уфқ, чамамда,  
Унинг қўшиғининг ранги бор, қизил.  
Қизғиш, шўх қўшиқлар учган чаманда  
Соч бўлиб соллану, кўз бўлиб сузил,  
Жоннингга қасд қилар ҳуркак қарашлар..  
Ўзида жам этиб юлдуз тусини,  
Бир ширин, яширин кулимсирашлар  
Яширин туғёнда яйратар сени.  
Бор бўлсин шу туғён, ишқи мўл дунё  
Гоҳ очиқ, гоҳ пинҳон қўлловчи шараф.  
Ўйчан кўзларингга тўлмоқда зиё,  
Алвонланиб борар кун чиқар тараф.

## БАГИШЛОВ

Онажон!

Тезроқ бўл, тилла ранг либосингни кий,

Оппоқ рўмолингни ўрагил бошга.

Қулоқ сол, чаллилар мастона бир куй,

Нингоҳ сол, уфқда қизғиш қуёшга.

Уфқ ёнапти, куй бетиним янграр,

Борган сари қизир томиримда қон.

Кўзимда акс этар шўх, оловли ранглар,

Ранглар тинчим олди бу кун, ойижон!

Она!

Шу тонгда ҳам сен ташвиш билан банд,

Ун эляяпсанми, сен турақол, кийин.

Бу галча хамирни мен ўзим қораман,

Қуёшдай тандирда пишираман кейин.

Баҳорни қаршилаб, куртаклар очар лаб,

Куртаклар яп-янги!

Оламини тутмоқда уйғонишнинг

Кулгусин жимгина жаранги.

Шу жаранг остида бўлақол, тортинмай

Тилла ранг либосинг ташла эгнингга.

Хузурбахш, бу ҳаёт уззу-кун чалиб най.

Бор бисот, қувончин бахш этсин сенга.

Дўстларинг давраси чорлаётир сени,

Менинг оппоқ сочли момоҳаволарим.

Уларга тақдим этмоқ керак,

Тирик табиатнинг энг хушбуй исини.

Олча гуллари-ю, булбул наволарин.

Хамиша ҳам шундай,

Вақти йўқ уларнинг бирпас боққа кириб,

Гул ҳидлаб булбулдан қўшиқ тинглашга.

Ғарчанд шеъримизда қўйсак ҳам тиндириб,  
Табаррук қилсак ҳам кўтариб бошга,  
Дарвоқе, ўкинчининг фурсати эмас,  
Шу қуёш нурлари шўнғиган оқ сочлар.  
Шу бизни деб ёна-ёна хира тортган кўзлар.  
Шу қуёш сари авайлаб босилган,  
Кичик-кичик қадам излари, —  
Сенинг изларингни — —  
Нондай кўзга суриб ўпаман.  
Байрам билан қутлайман!  
Менинг оппоқ сочли, мунис

фариштам,

Онам!



## НАВРЎЗ

Мен бу кун таъзимдадурман, еру осмон олдида,  
Ҳам унда ҳокими мутлақ, ҳазрати инсон олдида.  
Ҳар гиёҳким кўз очувчи, титраган жон олдида.  
Тириклик шавқини берган борки имкон олдида  
Юзларим олмоқда ол ранг тонгги нурафшон олдида.

Дур либослар ичра бўздан тўн бичмаганлар ҳақи.  
Ҳавзи кавсар ўртасинда сув ичмаганлар ҳақи,  
Минг бор ўлиб, сўнги дам бир бахт қучмаганлар  
ҳақи,  
Фасли баҳор, васли ёра ёлчимаганлар ҳақи,  
Мен бу кун созимни созлай, бор орзу-армон олдида.

Шодумон боққа югургум, тонгни муштоқ оттириб,  
Қирқта қилган сочларимни тилла сувда қогириб,  
Наврўзона шавқ-ла куйлай ғунчани уйғотдириб,  
Ва сўзлайким: «Қуёш келди, ғам ойини ботдириб»,—  
Ғам на қилсун, ул мунаввар шамъи-шабистон  
олдида.

Оппоқ олча гулларига кўз тушган он яйрадим,  
Сархуш бир ўт туташгандай қизиди қон, яйрадим.  
Ҳаёт менга яна кўклам қилмиш эҳсон яйрадим,  
Оҳ, яшамоқ! Нақ танамдан чиққудек жон яйрадим  
Бу дунё қадрини сўрманг яйраган жон олдида.

Унга интиқ, аммо боғин кезмаганлар бўлди-ку,  
Ялпиз ҳиди анқиган дам сезмаганлар бўлди-ку,  
Қишда торайган юракни ёзмаганлар бўлди-ку,  
Улар кетгач, интиқ-интиқ ёдлаганлар бўлди-ку,  
Гарчанд улар қатрадурулар дарёи уммон олдида.

Улар ҳақда тўлиб-тўлиб хэтиротлар бошласам,  
Соғинтирган дийдорларин қўмсаб кўзим ёшласам,  
Маънос тортиб қолар ахир, у кулгувчи ғунча ҳам,  
Дейман: «Ғунча кулгусига ғамгин оҳанг қўшмасам»,  
Шул сабаб, шод чарх урармен чархи даврон олдида.

Тингланг, кезар боғлар аро куртакларнинг кулгуси,  
Авжламоқда бора-бора, гўдакларнинг кулгуси,  
Бу туйғулар балки бир кун мени шоир қилгуси,  
Унда созроқ куйлаб бергум ҳаёт гулин хуш иси  
Ва тириклик қўшиғини, жумлаи-жаҳон олдида.

## ЎН САККИЗИМ

Хаёлимга яна сен тушдинг-ку тийран кўзим,  
Юрак кетди сен томон туйғулар этагида.  
Каптардай чаппар урдинг, қайтадан ўн саккизим,  
Лолалар хандон солди, қирларнинг этагида.

Қирларнинг этагида бошланди сирли базм;  
Ўнгимми бу, ўнгимми, хаёлларим уйқашар.  
Қора кўзлар ўтини кўрмоққа дилда жазм,  
Қип-қизил лолалар-ей, маъқуллаб бош чайқашар.

Баъзида хаёлларим пардай секин тўзирди,  
Чорак аср умрни яшаяпмиз деб ўйлаб.  
Аммо юрак, у бугун ўн саккиз ёшга кирди,  
Ўн саккиз хил гул очган боғ деворидан бўйлаб.

Турфа гулли дунёнинг бу боғини асли биз  
Этсак ҳамки вафо-ю жафоларга мубтало,  
Йўл устида қолдириб, унутиб кетолмасмиз,—  
Қишнинг илиқ кунидан кўклам жаласи аъло.

Кийик қувган овчидай йиллар бораркан қувиб,  
Кўзин шамғалат қилиб бу боққа биз бўйлармиз.  
Умрнинг бошдан қуйган қор-ёмғирида ивиб,  
Маъсум кўклам дийдори, шавқларидан сўйлармиз.

Аммо боғ деворидан бўйларканман мен бу кеч,  
Интиқ туйғуларимни нафратим кетар босиб.  
Унда кимдир барглари қилмоқдадир елпугич,  
Ғунчани узиб, қўлда эзғилайди бошқаси.

Чирт юмаман кўзимни, очгунимча, эй олам,  
Бу кўрганларим бари туш бўлиб қолса эди.  
Гунчанинг дудоғида жимирлаб турса шабнам  
Барглар чапак чалишиб елда чайқалса эди.

Бу боғда кезганларга баргларни узманг дейман  
Йиллар ўзи хўп елиб, туширади ҳовурдан.  
Гунчанинг тонгги нозли уйқусин бузманг дейман,  
Айирманг дейман уни, бу мастона даврдан.

Боқурман, олам унут, кўнглимда бир шавқ, назм,  
Боғ аро каптар мисол чарх урар ўн саккизим.

\* \* \*

\*

Учирма қуш, полапоним учмоққа шайланади,  
Тушларида булутлардан юксакда айланади.  
Дуч келаркан булутларга урар у тўшларини,  
Уйгонаркан, таъбирини излайди тушларининг.

У учмоқчи, қуламоғи тушига ҳам кирмайди,  
У ерда ивирсиганлар билан суҳбат қурмайди,  
Уядаги тинч умрни изламайди палапон,  
Кўнгли тўлар, осмонларда кезса дайдиб, палапон.

Парвоз қилгину, бемаҳал қуламагил, жон қушим,  
Кучсизгина қанотингга мадад бўлсин олқишим.  
Олқишларман, у ҳолбуки олқишни ҳам тингламас—  
Қуёш кулган шу тиниқ тонг, у учмоғи керак, бас.

Самоларнинг қучоғига ўзни отар у бу тоғ...  
Учар, ё булут бағрига тошдай ботар у бу тонг...  
Учмоқчисан, юксак учгач—қуламоққа ҳам шайсан,  
Палапоним, палапоним, юрагимга ўхшайсан...

## КУЗНИНГ ДИЙДОРИ

Ранги сариқ фасл, фаслки фаровон—  
Олтинланиб кетмиш олмалар ранги.  
Куз келди айланиб не давра-ю, даврон—  
Кузни олқишласин олам жаранги.  
Сарғайган япроқлар бўлиб у жимгина  
Бизнинг суҳбатларга солар қулогин.  
Унинг дийдорига етдик-ку дўстгинам,  
Ўпиб қўй, шу сариқ дарахт япрогин.  
Сариқ ва оқ худди ой каби ярқироқ—  
Ойдай, ойдай катта, оқ олмани кўр.  
Богбоннинг қўлини унутмагил бироқ,  
Қадоқ қўллардан ҳам олгин сен ҳузур.  
Сарғайган япроқни учиради шамол—  
Олмалар терилар эртанги куни.  
Бу заҳматкаш қўллар топмаса ҳам завола—  
Шошилиб кўзга сурт, тавоб қил уни.  
Мен йигирма тўрт бор қаршиладим кузни,  
Йигирма бешинчи бу дуч келишим.  
Доим шу галгидай сийламадим уни,  
Гўдак чоғим мутлоқ бўлмади ишим.  
Қизалоқ бўлдим, сочларимни ёйиб,  
Ўсмадан айрилмай кўкламни суйдим.  
Куз туюлар эди эртақдай ғаройиб,  
Кузнинг сеҳрларин кейинроқ туйдим.  
Кейинроқ англадим, кузнинг япроқлари  
Баъзан кўнгил мисол дилгир бўлишин.  
Бўлиқ ҳосил билан чайқалган чоқлари—  
Дала маст одамдай шавққа тўлишин.  
Яна англадимки, кузни паришон ҳол  
Ва оқил онага ўхшатмиш тақдир.  
Онанинг юзидан нурсизроқдир ҳилол,

Ул юзни ўпмаслик гуноҳ-ку, ахир.  
Менинг юрак қушим талпиниб, чарх урар,  
Кузнинг дийдорини тавоб қилар жон.  
Бош устида сархуш, ўйчан кезиб юрар  
Ранги сариқ фасл, фаслки фаровон.

## АЛВОН РАНГЛАР

Алвон-алвон рангларни излаб,  
Алвонланиб бормоқда рангим.  
Кўҳна дунё, ўзинг бер сўзлаб,  
Бунча юксак савтинг, жарагинг?  
Сенинг билан мен ҳам ёнма-ён  
Қўшиқларим кўкка учирдим.  
Қўшиқларим нимжон: палапон—  
Тик парвоздан гоҳо чўчирди.  
Уларга уфқ очмоқдасан кенг,  
Учмоқдадир палапонларим.  
Палапонлар, ўзингга менинг  
Соғинчларим ва армонларим.  
Сенинг эса куйларинг баланд—  
Шиддатланиб авжга минади.  
Менинг куйим интиқлик билан—  
Сен томонга, оҳ, талпинади.  
Сен қабул эт, шу нимжон қушлар—  
Менинг ўжар болаларимни.  
Сен уларнинг барча олқишлар,  
Меҳр истаги, ноаларини.  
Эшит ва бер янги қудрат, руҳ,  
Ўжарларим тўзмасин десанг.  
Сен онасан улар бешукуҳ,  
Онасидан безмасин десанг,  
Огоҳ бўл, дунё!  
Алвон-алвон рангларни излаб  
Алвонланиб бормоқда рангим.





## КАПТАР УЧИРАМИЗ

«Уламан, аммо қувғинларда эмас  
Ширин тушларимнинг оппоқ шаҳрида».  
Утди Нозим, ўзи васият қилгандай  
Менинг она юртим бағрида.  
Менинг она юртим, у ўзга диёрлар  
Орзу қадар суйган самовий юртим,  
Бу не тонг, бошидан қуярлар экан зар,  
Бир зум йироқлардан кузатиб турдим.  
У минг битта қизни ҳасратда куйдириб  
Ҳуснга тўлишган ёш она мисол.  
Давраларга яшнаб келар экан кириб  
Унгу сўлдагилар тикилишар лол.  
Серилтифотдир у, барчага баробар,  
Барчадан меҳрини тутмайди дариг.  
Унга бор, сен эрка ташна эй биродар,  
Унинг кўзларидан таралар ёруғ.  
Қоп-қора Поль Робсон, кўримсиз бир одам  
Дил тортар қўшиқчи асиридир ул.  
Кўкдаги булутга каптар тўш урган дам  
Пабло Пикассони сўроқлар нуқул.  
Пикассо каптари унинг даласидан,  
Боласи қўлидан чўқиларкан доп,  
У ерни анқитиб райҳонлар исидан,  
Каптарга беради тип-тиниқ осмон.  
Нозимнинг шеърлари, шеърларига дастлаб,  
Кейинроқ ўзига... пешвоз чиқди ул.  
Нозим яшар экан, сархуш, қаддин ростлаб,  
Бизнинг чаманга ҳам экди турфа гул.  
У дуркун гулларни авайлаб ўстирар  
Кўпларнинг дардига дармон бўлган юрт.  
Ҳамон кимларнингдир тушларига кирар

Кўпларга бир кўрмоқ армон бўлган юрт.  
Бу сен, эй бағри кенг, хиромон ёш аёл,  
Менинг басавлатим, ҳам бадавлатим.  
Сен бердинг боғларга шундайин бир камол,  
Гуркираб гул очди Расулнинг байти.  
Она ўз бағрида ўстираркан хушбахт,  
Болалари билмас урушқоқликни,  
Шундан бизникилар туғишгандай ҳар вақт  
Бағрига босади туркни, тоғликни.  
Шундан Гафур Гулом, Зулфияни сўраб  
Ҳинд кўзида ёнар интиқ ҳаяжон.  
Шундай фарзандларинг оппоқ нурга ўраб,  
Дунёга танитди сени, онажон!  
Қадаҳ тўлдирияпмиз, қуёшдан, туриб тик,  
Эшитяпмиз Робсон қўшиқларини.  
Пикассо каптари кирсин деб беҳадик  
Очиб қўйдик юртнинг эшикларини.  
Дўстлар келишяпти..  
Аҳил болалардай бўлмоқдамиз жам,  
Туташ диллар куйини авжлатмоқда гор.  
Биз бу тонг..  
Ҳар хил оқ, қора ранг, чайир қўлларимиздан  
Каптар учирамиз, бир хил, оқ каптар.

Художин

БЕГИМ, СИЗНИ ТАБИАТ

Бегим, сизни табиат расо қилиб яратган,  
Кимларнидир ўйчану, Сизни кулиб яратган.  
Ногаҳон бериб қўйиб бу ҳусни, камолни  
Ўзи ҳам рашк, ҳасадда тўлиб-тўлиб яратган.  
Қия тушган нигоҳни армонга йўймагайсиз,  
Қиз қалбига севмоқни осонга йўймагайсиз.  
Қийнамангиз, у ўзи ўртангучи бир багр,  
Бу багрни кенгликда, осмонга йўймагайсиз.  
Сиз худдики Фарҳодсиз, Ширин қайдадир, бегим,  
Орзуларим дилда-ю, нолам найдадир, бегим,  
Сиз десам бар тутқазмай, сочилган ўйларимдай,  
Бу тонг қаро сочларим майда-майдадир, бегим.  
Сизни мен ўзимга ҳам лойиқ кўрмам, рости гап,  
Ўзгага бермоқ эса, тушимга кирмас ухлаб.  
Ўзга билан кетсангиз, равон йўллар қолмасин,  
Бегим, иккиланмасдан ер юзин ташланг михлаб.  
Михнинг, тигнинг заҳрини сезмай ёниб бораман,  
Ишқ зардобли шаробдир, қониб-қониб бораман.  
Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага тутмай май,  
Ўз қоним билан ўзим алвоиланиб бораман.  
Ҳайратларда қотгайсиз мени кўрганда ул дам  
Енингиздаги совуқ сулувдан совурсиз ҳам, —  
Сизни обдон музлатгач, ўзим қайтарман, чунки  
Бунгача йўқ садоқат, бундан сўнг ҳам бўлар кам.  
Ўзга тортмам чексам ҳам шунча жабру жафони  
Ўзгага ҳам бермасман, Сиздек бир бевафони!  
Бегим, Сизни ~~табиат~~ расо қилиб яратган..

Художин

## ОНАМГА

Чечак униб чиқди тупроқни ёриб,  
Силлиқ ер ҳуснига тушириб ажин.  
Чуқур нафас олди она-Ер ҳориб—  
Лабларига босиб чечак-гултожин.  
Она-Ер кўксида ўсса-да чечак  
У фақат қуёшга талпинди, толди.  
Фасллик умрини яшаб бўлган чоғ  
Тўкилди, яна ер бағрига олди.  
Шу ерга ўхшайсан, мунисим онам,  
Дилларни ёндириб ҳуснинг ортганда—  
Мен худди чечакдай тугилдим у дам.  
Сенинг чақноқ кўзинг хира тортганда,  
Худди шундан бошлаб ҳоридинг сен ҳам—  
Ва сўна бошлади чеҳрангдаги нур..  
Мен-чи, мен қуёшли ўйларга ҳамдам—  
Ҳатто айтолмабман сенга ташаккур.  
Ҳамон кимдир чорлар қайбир чаманда,  
Шошаман, қайтмоққа етмайди кучим.  
Онажон, ҳорғиним, ўтиндим сендан—  
Чечакдай талпинчоқ болангни кечир.

\* \* \*

\*

Болакайим, болакайим,  
Дуркунгина болакай.  
Чал, менга болалик найин  
Бир кунгина болакай.  
Бир кунгина кетайин мен  
Болаликка, тошлоққа.  
Севинчларни тутайин мен,  
Севинчларим тошмоқда.  
Узат бола, чиллагингни  
Қарсиллатиб учирай.  
Бир кунгина бўлгин тенгим,  
Бир кун сендай гуркирай.  
Дилингда йўқдир тугунлар.  
Бегуноҳсан қуш мисол  
Менга эса оҳ, у кунлар,  
Туш мисолдир, туш мисол.  
Қайта бир бор кўрсам эди,  
Уша ширин тушгинам.  
Кўнглим сени олқишлайди,  
Қушгинам, ҳой қушгинам.  
Қирларданми келмоқдасан,  
Яланг оёқ, елдим.  
Бола, сенга яшаш осон,  
Учқурсан сен елданам.  
Ғам лашкари тортса ҳам саф,  
Сезмай ўтиб кетарсан.  
Қувончлар ортидан қувлаб,  
Истаган дам етарсан.  
Улғайган чоғларингда ҳам  
Тонгдай оппоқ яшаб сен.  
Қушлар, нурлар билан хуррам,

Опоқ-чапоқ яшаб сән,  
Қуш боласи, нур боласи,  
Менинг болам бўлурсан.  
Мен кўрмаган сенга насиб,  
Янги олам бўлурсан.  
Болакайим, болакайим..

## ИЛДАМ БОЛА

Илдам бола, тиши кемшик,  
Катталардай ақлли.  
Тагидаги қари эшак  
Қистатади жаҳлини.  
Узи-ку хўп илдам, дайди,  
Чопса ўзар шамолдан.  
Аммо эшаги юрмайди,  
Боши қотган бу ҳолдан.  
Куйинмагил, ҳой болакай—  
Ўзни уриб, шошқиниб.  
Сен чалганда сайроқи най—  
Тошар кўклам тошқини.  
Бош устингда тандир мисол—  
Қизимайди чўл кўки.  
Шаҳарларни қиларсан лол,  
Одам бўлиб, сен ўқиб.  
Ҳорган чоғи, қўй, олсин дам,  
Шунда қолсин эшагинг.  
Мен йўлингга лолалардан  
Қизғиш гилам тўшадим.  
Хув қирда ҳам чайқалгучи  
Қизғиш дарё сеники.  
Уни яланг оёқ кечиб  
Олдга талпин энтикиб.  
Ортда қолар чўл—бағри кенг,  
Ўт-у эшагинг бари.  
Дунё кезар ҳали сенинг  
Темир оёқчаларинг..  
Илдам бола, илдам бола..



## БИР ҚҰШИҚ ЁЗАРМАН

Агар насиб бўлса бир қўшиқ ёзарман,  
Эй бағритош дўст.  
Қўшиғим кўз ёшинг сел қилар,  
У қўшиқни куйлаб оловлар ичидан—  
Мен қадам босаман.  
Узга бўлар сўз,  
У қўшиқ рақибни эл қилар.  
Юксалиб бораман қўшиғим кучидан  
Бошоқ тортаётган бугдой мисоли.  
Қасоскор воз кечар ўчидан—  
Уйларга толиб.  
Ярим тунги тўлини ой қадар ярқираб  
У қўшиқни бошласам агар,  
Кулиб кулолмаган, йиғлаб йиғлолмаган,  
Кўзлардаги ёшлар дурдай тирқираб,  
Кейин у кўзларда ёнади қуёшлар.  
Хув ана, бепарво, оппоқ пардай каптар,  
Пилдироқ боладан бормоқда қочиб.  
Қўғирчоқдай кўзи мунчоқ болакай—  
Қувар, қўлидаги донни тўкиб-сочиб  
У йўл-йўлакай.  
Улар ҳар иккиси—каптару болани—  
Оғушлаб қўшиғим чарх урар.  
Сап-сарик бугдойзор—нон ҳидли далани—  
У чайқаятирар.  
Нон ҳидли даланинг ўртасидан кесиб—  
Бошда оқ рўмоли, момо ҳаводай—  
Бир қиз келяпти, унинг йўлини тўсиб,  
Уватда белбоғлик йиғит чалар най.  
Қўшиғим, эй учқур қушим, қайлардасан,  
Бу беғубор дунё парвонаси бўл.

Эгилиб келмоқда бошларига осмон—  
Туташиб кетмоқда икки айри йўл.  
Бир қўшиқ ёзаман, насиб бўлса агар,  
Булар,  
Яна ёзилмаган қанча қувонч, мунг—  
Тўкилмайд кўнгилда ётган туйғулар.  
Гарчанд—  
Ҳидлай десанг ҳавонинг иси йўқ,  
Тингласанг саси.  
Ҳавода ёнади минг бир тусли ранглар—  
Ҳаво гўдак кулгусидай жаранглар,—  
У қўшиқда.  
Бир қўшиқ ёзарман, насиб бўлса агар...

\* \* \*

\*

Уйламангки, унинг қалби йўқ —  
Кўпни севар, кўпни кўзлайди.  
Ҳамма билан бўлса ҳам дўст, шўх —  
У бир дардкаш қалбни излайди.

Ҳаёт такрор учраштираркан,  
Кимни «сен» лаб, кимни «сиз» лайди.  
Йўқ, уларга бермайди у тан —  
У бир дардкаш қалбни излайди.

Дерсиз «ошиқлари эмас кам,  
У, қанчаси унга сўзлайди».  
Дил розларин тинглаб туриб ҳам —  
У бир дардкаш қалбни излайди.

Ёки деманг «қиш совугидай, —  
Унга яқин юрган музлайди».  
Узгаларга ҳарорат бермай —  
У бир дардкаш қалбни излайди.

Деманг, маъюс тортиб қолган  
«Унутган ошиғин эслайди».  
Ишончини ҳамон қилмай кам,  
У бир дардкаш қалбни излайди.

\* \* \*

\*

Омон-омон қўшиқлардан айт,  
Алвон-алвон қўшиқлардан айт,  
Оҳанг бўлиб қўшиққа бу кеч  
Қўшилишиб кетадиган пайт.  
Омон-омон қўшиқлардан айт,

Юракларга ўт бўлиб кириб,  
Узинг ҳам куй, куйла куйдириб.  
Бари-бари тушсин ёдимга,  
Бари-бари чиқсин олдимга,  
Йироқдаги оппоқ соч онам  
Келмоқдадир кипригида нам,  
Онам, онам тушсин ёдимга.

Қамчин уриб келмоқда отам,  
Отин суриб келмоқда отам.  
Сурон солиб яшаб кетди у,  
Ғолиб-ғолиб яшаб кетди у.  
Қамчин уриб келмоқда отам.

Одил Дароз бор эди бир чоқ,  
Отагинам сирдоши эди.  
Қўмсаб қолар Дарозни гоҳ-гоҳ  
Чавандозлар давраси энди.  
Одил Дароз бор эди бир чоқ.

Айтаверсам жонга тушар ўт,  
Ёш тўкмоққа чоғланар булут.  
Туташмоқда ўтларга кўксим,  
Қўй, яхшиси, мен тинглайин жим,  
Узинг алвон қўшиқлардан айт,  
Омон-омон қўшиқлардан айт.

## БУҒДОЙЗОРГА ЧАЛҒИ ТУШДИ

Тонг отмоқда, серхосият ўрим бошланар тонг бу,  
Ризқи-рўзнинг бутлигидан дил оташланар тонг бу.  
Эрта тонгдан қизгин бонгдай чархланмоқда чалғилар,  
Ҳосил куйин янгратмоққа шайланмоқда чолғулар.  
Уг қалаган неварога таҳдид қилади кампир—  
«Имиллама, тезроқ оқарт. Обдон қизисин тандир».  
Тандир чўғда нон қизарар тонг оқараётган дам.  
Қуёш туғиб, тун кўз ёрар тонг оқараётган дам.  
Уроқ дамдин синаб кўрар, жиккак чолга тиним йўқ —  
Қизнинг тонгги ноз уйқусини тушларида қўним йўқ.  
Тонгдан туриб оқ яқтакка бар урар шўх йигитлар,  
Тонготарда ўрим олди, базм қурар шўх йигитлар.  
Улар тугён солиб куйлар, дилдан ғамлар кўчадир,  
Қиз-жувон қуш галасидай, буғдойзорга учадир.  
Оқсоқол чол бошлаб бериб, чалғи тортади бир қур —  
Орқасидан-чи оломон, қийқирарлар «Ур, ҳей, ўр!»  
Деҳқон бўлсанг, бу даврага деҳқончаси чаптаст  
кир —  
Буғдойзорга чалғи тушди, ўрим бошланаётир...

## ҲАМИД ОЛИМЖОНГА

Устоз,  
Шеърят боғида пештоқлари баланд —  
Шоҳона бир қаср қурибсиз,  
Бу қасрга келдик биз ошиғич билан,  
Узингиз қайларда юрибсиз?!  
Ёки ишим бор, деб бир гўзал оҳуда —  
Оҳу қувиб тоққа кетдингиз.

Тезроқ қайтинг, ахир кутиб қолдик жуда —  
Шеърингизга хумор этдингиз,  
Дарё кечалари имладими ёки —  
Ҳали қоронғилик тушмади чоғи?!—  
Мухлислар дарёси келар экан оқиб —  
Узингиз уларнинг яккаш сўроғи.

Мен ҳам шоирларни озроқ ўқиб чиқдим,  
Навой, Пушкинга мен ҳам бердим тан.  
Ўқиб китоб узра, селоб кўз ёш тўқдим —  
Қонлар сирқиганда улар қалбидан.

Шу пайт ғамгин кўнглим яна сизни йўқлар  
Сизни кўрса чекинадир ғам.  
Одамзодга керак сарбаст, шўх қўшиқлар,  
Оппоқ ўйлар билан тирикдир одам.

Қайдасиз,  
Чаманлар ҳавосин киприк билан силаб —  
Боғланиб қолдингиз сиз унга ипсиз.  
Ва ёки мавлоно Ғафур Ғулом билан —  
Дўрмонда шеърхонлик қилиб юрибсиз?..

Чалқанча ётганча балки ойга қараб  
Сизлар шод, боладай чаляпсиз ҳуштак.  
Билмайсизки, бунда одамлар тўрт тараф  
Кўз тикиб, сизларни кутмоқда муштоқ.

Моҳирўйингизни излаяпсизми ё —  
Бугун бизнинг давра гули-ку улар.  
Улар ҳам бетиним кезганича дунё,  
Тўрт фаслдан сизни сўроқлайдилар.

Бир кун кўрмасангиз келардингиз учиб —  
Йиллар ўн марталаб бошланиб битди.  
Юрак дардларининг ўндан бири кўчиб,  
Қанча оқ қоғозлар қорайиб кетди.

Қатраси қоғозга тошди поилож  
Эзилган юракдан қон сирққан дамда.  
Шоирам шуҳратдан кийганини тож  
Ўзи ҳам сезмасдан қолди — аламда.

Табиат қаттиқ қўл, асаблари таранг,  
Синаш учун сизларни балки тоқ этди.  
Ул қаро кунларнинг ғамзасини қаранг  
Шоирам толеин оқ этди.

Давраимиз тўрида бир моҳи парндай  
Нозланиб ўлтирар бу кун шоирам —  
Бир илинж, бир илинж кўз қарашларида,  
Даврада сиз кам.

Сабру қаноатга айлармиз таъзим,  
Ёнларида бўш-ку жойингиз ҳамон —  
Тингланг, юракларнинг нидоли арзин;  
Бир фурсат бўлса ҳам қайтинг биз томон.

Қайтинг устоз, кетсин кўнгиллар доғи..  
Васлингиз уммеди бу кеч бошларда..  
Сиз ҳам  
Ғафур Ғулом билан қайтпсиз чоғи,  
Ажиб сабо кезар  
Тоғу тошларда..





## СУРАТКАШГА

Сураткашим, аҳвол нечук, ҳормадингизми?  
Ранг фарқини ҳали яхши ажратмай туриб,  
Ўзингизмас, Рафаэлнинг кўзи билан кўриб  
Бирдан ногоҳ илҳом билан кучга тўлиб сиз,  
Суратимни чизмоқ бўлибсиз...

Суратимни кўряпману ўксиб кетяпман  
Айтинг, нега бундай ишга қўл урдингиз, қўл.  
Мен суратни гавдам билан тез беркитяпман,  
Туйғум бўлиб кул.

Нега, нега ҳис, туйғусиз мен турибман тек  
Қани нолам ё чарх уриб шўх кулганларим.  
Шамолларда тўлқинланган соч елканларим  
Қани менинг кўзларимда ҳуркаклик, ҳадик.

Сўзламайди нега менинг қорачўғларим...  
Улар қушлар, ахир, ҳозир учади, ҳозир...  
Вужудимдан сезилмайди қалбим чўғлари,  
Сиз бу ўтнинг тасвирига эмассиз қодир!

Қани менинг билагимда оқаётган куч,  
Ер шаклида бошимдаги ернинг хаёли.  
Бу юмушли қўлларимда нетсин елпуғч,  
Мен ҳарқалай паривашмас, ернинг аёли.

Сиз чизмайсиз нега менинг ҳар бир чигитни  
Экканиму, унмоғига кўз тикканимни.  
Ва даламдан шамол тўда-тўда булутни  
Олиб кетса—енгил тортиб, энтикканимни?

Елпугични олиб қўйиб қўлимдан чаптаст,  
Бир боғлам дон кўгартириб қўяман ўзим.  
Бағримдаги бўлиқ доннинг ҳиди қилиб маст,  
Балқиб ётган бугдойзорда чарх урар кўзим.  
Донни қўйиб болакайни кўгартираман..  
Энди келинг сураткашим, келинг югуриб.  
Шу ўзимми, ўзим ҳам танимай тураман  
Нақ қуёшни қучоқлаган аёлни кўриб.

Қуёш қучган аёл қаддин чизолмайсиз, бас,  
Фақат хоҳиш билан ҳар ким Рафаэль эмас.

## КУКЛАМ УИЛАРИ

Мудраган юракда бошланди базм,  
Совиётган қонга қайта тушди ўт.  
Гултожим сўлмоққа этганди жазм,  
Қайтадан чарақлаб гул очди вужуд.  
Кураб бевақт ёққан кўнгил қорини  
Шарафлайман тугён сабабкорини.

Олиддан овозлар келар шодумон,  
Чилдирмаларнинг шўх қарс, бада-банги.  
Бутоқда куртаклар отмоқда хандон,  
Яшилланиб борар оламнинг ранги.  
Шу рангин оламда яшаш—бахт, бойлик,  
Шу рангин оламни ўпиб қўяйлик.

Мана яшаб қўйдик чорак асрни,  
Йигирма беш кўклам ниш урди ёдда.  
Кўзимиз ўнгида қанча қасрни  
Бузди-ю қайтадан тиклади олам.  
Кеча кезган бўлсак вайроналарда,  
Бугун тор созладик кошоналарда.

Дарё тошқинлардан тошар баҳорда,  
Гарчанд, қолса ҳамки, қишда милдираб,  
Бугун менда кўклам тошқини бордай,  
Кўнглимда кўз очар булоқ чулдираб,  
Чулдироқ булоқлар бермаса тиним,  
Қарздор бўлмасмидик ҳаётдан, иним.

Кўклам-ку бепарво, ўтаверади  
Қайта келаверар яна бир замон.  
Менинг умр кемам елиб боради,

Уша қиш аталмиш қирғоққа томон.  
Бу ҳаёт денгизи гоҳи толдирар,  
Қирғоқда тушириб гоҳи қолдирар.

Қани, ҳей, денгизда омон бўл, сурур,  
Қани, ҳей, суронлар ўғли қўлим тут,  
Кўнглимда шоҳона, кўклам, базм қур,  
Қишни, хазонларни қилайин унут.  
Мастона куйласин лабимдаги най  
Ва тўлқинлар билан қувлашиб яшай.  
Мудраган юракда бошланди базм..

## УШБУ ДАМ ҚАРОРИ

Эшкакчим, эшкакни қўлларингга ол,  
Денгизнинг шамолин қўмсади бағр.  
Эсноқда ўтказган ҳар бир дам увол, —  
Пилдираб йўқликка кетмоқда ахир.  
Қанчасин ўтказиб сезмадик ҳатто, —  
Сезилмас хато.

Кетдик, ҳей, қайиққа ўтириб икков,  
Сузамиз оқимга қарама-қарши,  
Иироқда соҳиллар сочмоқда олов  
Иироқда соҳиллар келар ёришиб.  
Ўжар шамоллар-ла бўлсалар ҳам гунг,  
Бошлаймиз гурунг.

Қуюн ҳуштагига жўр бўламиз, жўр,  
Ўртоқ тутинамиз тўфонлар билан.  
Кураш суруридан солмоқдадир жар  
Ғолиб қўшиғимиз жаранглаб баланд.  
Бу қўшиқ шавқидан ғамлар чирпирак,  
Кенгаяр юрак.

Ўтган бари ўтди, ухлоқ ё эсноқ..  
Фурсат йўқ ўтириб эсламоқликка,  
Уйғонмоқ ва тирик шавқларни сезмоқ,  
Сезмоқ ва уфқларга учмоқлик тикка!  
Мана, ушбу дамнинг шиддат қарори,  
Келсин барори!

Эшкакчим, эшкакни қўлларингга ол.

\* \* \*

\*

Фақат омад камдан-кам жуда  
Юрамиз биз топиб, йўқотиб.  
Гоҳо ясоғлиқ от устида,  
Гоҳ, пиёда, чангларга ботиб.  
Яшилланар умр дарахтимиз,  
Сарғаяр ҳам бевақт ёгса қор.  
Шундай, гоҳо тожу-тахтлимиз,  
Гоҳ кечириб бўлмас гуноҳқор.  
Изҳори дил қиладир қушлар,  
Биз уларни этмасмиз писанд.  
Овунтирар бизларни тушлар,  
Оҳ, у тушлар гоҳ берадир панд.  
Гоҳ қип-қизил гулларга кўмиб,  
Бир олам бахт йўллайдир олам.  
Сипқорармиз кўзимиз юмиб,  
Зардоб тўла қадаҳларни ҳам.  
Гоҳ кулиб, гоҳ қўл силтаб, куйиб  
Ўтказармиз бунинг барини.  
Ҳаётнинг шан марҳамати-ю  
Ругубатли алдоқларини.  
Оқарганда сочлар, эслаймиз,  
Сархуш баҳор, куз ўтганини.  
Кимларнидир рад этганмиз биз  
Кимлар бизни рад этганини.

\* \* \*

\*

Мана, кўпдан ўт босиб кетди  
У манзилнинг сўқмоқларини.  
Унутмоққа балки вақт етди  
Сўнган севги чақмоқларини.  
Нуқта қўймоқ керакдир балким  
У ҳақдаги хаёлларга ҳам,  
Аммо юрак денгиздай қалқиб  
Ўртанишга бермайди барҳам.  
Бир азобли, ширин хотирот  
Зирқиратар танни беомон.  
Унга мутлоқ умидсизлик ёт,  
Чорлар у бахт манзили томон.  
Майли бу тун кезсам-да сарсон,  
Тириклик—бахт умидларим мўл.  
Тонг оқарар, тушар чароғон—  
Бахт манзили томон элтар йўл.

## МЕНИНГ ЧАВАНДОЗ УМРИМ

Ўтиб борар бирма-бир чавандозлар гуруҳи...  
Отларнинг туёғидан исён кўтарар тошлар.  
Кузатаман—аралаш азоб билан шукуҳим,  
Бизнинг отларимиз ҳам тўдада қадам ташлар.  
Гарчанд бугун боғимда баҳорлар очмоқда гул,  
Қоп-қаро сочларимнинг тўлқин-тўлқин оқими.  
Мен уни майда ўриб юрмоқ истайман нуқул  
Шу ўткинчи ҳолат ҳам ширин тушдай ёқимли.  
Қошимни қулф урдириб, кўзларимга солиб ўт,  
Ўзим билан ўзимни қўйгач ўралаштириб,  
Кимдир четдан кузатар, жимгина сақлаб сукут,  
Мен баҳор билан машгул, кузим келади кириб,  
Гарчанд бу кун бошямга ёшлик кийдирмоқда тож.  
Ким тарк этгуси келар атр сочган бу маконни,  
Серҳосил далаларга яна тиларкан ривож—  
Эртанги куз ўйи ҳам титроққа солар жонни.  
Куз бевақт чаманимни қилмаса дейман тақир,  
Ғойиб бўлмаса дейман, сайроқ дил қушим, қумрим;  
Бу боғларнинг баҳори энди бошланди ахир,  
Сен ҳам учқур отим ҳей,—менинг чавандоз умрим!  
Елиб ўтмай, нигоҳ сол, бу яшноқ бўстонларга,  
Кўкламимнинг кўркини куйлайин қувонч билан.  
Ширин-ширин бир титроқ солиб кетай жонларга,  
Саҳар туриб ювилган, майда ўрим соч билан.  
Ўтиб борар бирма-бир чавандозлар гуруҳи...



\* \* \*

\*

Умр оти чопоғон жуда,  
У йўлдадир, йўлдадир ҳар чоқ.  
Биз ҳам доим унинг устида—  
Туголмаймиз жиловин бироқ.  
Илтимосни қилмас у қабул—  
Тўхтамасдан учар қуюндек.  
Биз ҳам собиқ чавандоз каби—  
От устида ўлтирамиз тек.  
От учади, аммо йўқ иши—  
Биз қай хилда кетиб борамиз.  
Манзилга ё мевадек пишиб—  
Ё гўр ҳолда етиб борамиз.  
Билолмаймиз йироқ ё яқин—  
Қанча қолди манзилга ҳали.  
Аммо аён, бизга ҳар бир кун—  
Келар ҳисоб бермоқнинг гали.  
Кетмоқдамиз, сен беғам, бесўз—  
Йўлда давом этаётирсан.  
Уйғоқмисан эгардаги дўст?  
Ва ё ухлаб кетаётирсан?

## БЎШАТИЛГАН ОТ

Қантариғлик отни бўш қўйинг,  
Қозигини синдирмасидан.  
Кетмоқда-ку кўзи йўл ўйиб,  
Уфқларнинг чорлаш сасидан.

От жilовин бўш қўйингиз, бўш,  
Ҳам томоша қилинг учинин.  
Бу эркинлик унга худди туш,  
Қуюнларга сўзлар у тушин.

Бир уюр от яйловда кезар,  
Кўзларида мудроқ бир сукут.  
Бу уюр, бу сукутни бузар,  
Қантариғлик от кўзида ўт.

Бу яшил сой, долазор қирдан  
Зериккандир бу отлар балки.  
Қувват олиб майсадан, нурдан—  
Бўшатишган от учар балқиб.

Кўзларида тошар дарёлар  
Ҳайқирикқа тўлар ўнгу сўл.  
Кўзида гул очар дунёлар,  
Шу дунёлар интиғидир ул.

Тўдаларни ёриб, ёниб ўт,  
Танбал отлар кетсинлар чўчиб.  
Парчалансин дуч келса булут,  
Харсанглардан ўтолгин учиб,

Чорламоқда уфқ сирли, шод,  
Уч, учқурим, бўшатишган от!

## УЙГОН, БОЛАЖОН

Бағримдан, бағримдан суйган каптарим,  
Аллалаб ухлатиб қўйган каптарим.  
Бешигин тебратсам овунган бола,  
Ўйин, шилдироқдан севинган бола  
Бўлсанг ҳам «подшоҳ» сен, мавқениг баланд  
Тиллашиб бўлади бугун сен билан.  
Гарчандки, ўзи ҳам ҳали боладир,  
Онапг бу кун сени алдай оладир.  
Эрта кун бешикдан турганингда сен,  
Оламни тебратиб юрганингда сен,  
Сени улғайтгунча толганда қўлим,  
Бешик тебратолмай қолганда қўлим,  
Ўғлим, сен ўшанда мен билан тиллаш.  
Бугун иккимиз ҳам ўсишу, гуллаш  
Шавқи билан мастмиз, уйгон болажон,  
Онажони жондан суйган болажон.

## БОЛАКАЙ

Укам Тургунжонга

Болакай ўлтирар қайиқда,  
Гоҳ боқар атрофга жовдираб.  
Ҳайдагил қайиқни ҳайиқмай,  
Болакай, қолмагил довдираб.  
Бу ҳаёт ғалати жигарим,  
Ким эшкак тортади бола ҳол.  
Ва кимдир ҳаққи бор сингари,  
Улғайган дамда ҳам бемалол,  
Қайиқда ястанса беқайғу,  
Боқмагил сен унга суқланиб,  
Юкларин бировга ортган у,  
Ўзи ҳам бировга юкланиб.  
Умрбод эмасдир бу айши,  
Кўраркан оқимнинг тезобин,  
Қачондир беллари қайишиб  
Тортар у эшкакчи азобин.  
Майлига хотири бугун жам,  
Бир танбал булутдай ухласин.  
Чорлайди чароғон бир олам,  
Шу олам сурурин йўқла сен.  
Ҳайратда тикилма, тушми, рост.  
Кўрдинги, поёнсиз кўлдамиз.  
Эшкак торт, қулочни кенгроқ ёз,  
Эшкакчим, мардим, биз йўлдамиз.  
Қўрқма, гоҳ қийналиб қолса жон  
Шамоллар мадорни кетказиб.  
Болакай, борармиз икковлон,  
Қайиқни уфққа етказиб.

## ГУДАККА ҲАМ ҚИИИН

Яширган нарсангни излайди гўдак,  
Очиқ қўйганинга қарамай баъзан.  
Биз ҳам худди шундай, ўйласак андак,  
Бетаажжуб, у ҳам ўрганган биздан.  
Бор имкониятни қилмаймиз қадр,  
Мушкул нарсаларга ўзни урамиз.  
Инсон табиатан ўзи шундайдир—  
Юз бир хил кўргулик бўлса кўрамиз.  
Олдинга чопамиз кўпда ҳовлиқиб,  
Парво қилмай ўнгу-сўлдагиларга.  
Сўнгра ишимиздан бир ишқал чиқиб—  
Бош қашиб қоламиз нима қиларга.  
Шундай қилиш шартдир, ҳа, шундай худди,  
Мустаҳкам режа ҳам тузиб оламиз.  
Киришиб кетамиз сўнг ишга жиддий,  
Тугамаёқ яна ўйга толамиз.  
Баъзан йироқдаги мисга кўз тикиб—  
Берилиб кетамиз унга бутунлай.  
Етишмоқ қасдида шошиб, энтиқиб—  
Олтинларни босиб ўтамиз билмай.  
Гоҳ янгроқ қўшиқлар этмас бизни жалб,  
Тингач эса уни излаб биз гадо.  
Ортда қолиб бизга фидо тоза қалб—  
Кибор юраклар деб бўламиз адо!

Ғар шулар ҳақида ўйлаб қолсанг сан—  
Қайсар гўдакка ҳам тутмайсан осон.

## ЮЛДУЗЛАРНИ ОСИБ БУЛМАС

Кеча баҳор...

Боғда олма гуллаган эди.

Бугун-чи қор—

Қор хатга туширар ким-кимни.

Кечаги кун

Онам мени бешигимга белаган эди.

Бугун бешикка—мен белейман ўғлимни.

Ўқларнинг дуди-ку, ўқларнинг дуди—

Офтоб тигида қорайишимни истамас онам.

Ана у, невараси—оппоқ ўғилчани боши узра тутиб

Кўз-кўзлар бу дам.

Шулар учун,

Беҳудага сарфламайин қалб кучин,

Дунё ичра дунё қадар балқимоқ—

Чарақлаган юлдузларни кафтга олмоқ керакдир.

Юлдузларни,—уруш кўрган рўзгорлардай тўзишини

Ва мўлтираган кўзларда аччиқ ёшлар сизишини—

Кўрмоқ учун —

Васвасага тушиб қолиб, кимлар нотинч юрадир—

Кимлардир дор қурадир—

Юлдузларни осмоқ қасдида!

Ерга тушган ним қизил олмаларни—

Ҳиллолдек — ҳиллолдек болаларни

Оёқ билан босмоқ қасдида улар...

Қарши турмоқ керак.

Сўнмас қуёш сингари ёниб—

Бир-бировга

Ўзингга инонгандай инониб.

Гўдак севгисининг ниҳояси йўқдир.

Оқсоч оналаримизни гўдак меҳри билан ардоқлаб,  
суйиб,

Завқланиб, куйиб, яшашимиз керак.  
Шундай яшайликки,  
Бизнинг шу уруг ундирадиган—  
Шу, ҳали қош чиқариб улгурмаган—  
Мурғак гўдакни авайлаб ўстирадиган  
Майин қўлларимиз—  
Ёвузлар бўйинига чайир сиртмоқ бўлиб тушсинлар.  
Токи ваҳший имонга келсин..  
Ахир, ахир, болаларни босиб—  
Юлдузларни осиб бўлмайди!

## МЕНГА БИР КОСА БЕРИНГ

Менга бир коса беринг, кўклам сувин тўлдириб,  
Менга бир коса беринг, унда тупроқ  
Тупроқда эса  
Бугдой майсаси унсин.  
Бир коса, ул косада гул очилсин қулф уриб,  
Бир косада ош бўлсин, дириллаб турсин гуруч —  
Кўз ўнгингда шовиллаб, додли қирлар кўринсин.  
Коса ярим бўлмасин, отам дердики: «Уруш—  
Айни қирғин кунлари..  
Тегишини олишиб,  
Билмай урушда туриш  
Коса юқин ялашиб, оч одамлар ичарди..  
Айни қирғин кунлари  
«Нон тўла дастурхонга етиб ўлсак майли» деб  
Ният қилганимиз рост.  
Дунёнинг бор неъматин кўзларинга суртиб, ўп,  
Қўй ихлос...»  
Бир коса беринг менга, таомга тўлиқ лим-лим.  
Шу армонда йўқлиққа кетган оталар ҳаққи,  
Уни кўтарай бошга.  
Ернинг нозу-неъматини қуёшга тутсин қўлим,  
Тинчликнинг неъматини тенглаштирай қуёшга.  
Менга бир коса беринг, кўклам сувин сипқорай.  
Менга бир коса беринг..



## БОБО ДЕҲҚОНИМГА

Саратон офтобин кетди ҳовури  
У қуйилиш даврин ёдга туширар.  
Тинар далаларнинг ғала-ғовури—  
Далаларда кузги буғдой ниш урар.  
Бахти балққан юртнинг саҳий кузи бу—  
Саҳий одамларнинг ризқи-рўзи бу.  
Яша, дориламон шу юртда яша,  
Тўдада дарахшон юлдуздай порлаб.  
Мен бу буғдой исли далалар оша  
Чақираман сени ёнимга чорлаб.  
Дала бошоқ тортиб, дон етилган дам  
Сархуш, буғдойзорга етиб кел сен ҳам.  
Бир кичик нуқтадек, олис қирларда  
Юрар оқ яқтакли бобо деҳқоним.  
У билмас нимадир нолишу зарда,  
У билар шу ердан бутундир нони.  
Чайир кафтга олиб буғдой донини  
Тишлаб кўрар пишган-пишмаганини.  
«Қара, қотиб қопти, буғдой хамири».  
Суюнчи олади кампиридан чол.  
Кампир ҳам отланар энгин шимариб,  
Бўлмасин деб доннинг донаси увол.  
Қулоқ сол, чалғилар чархланаётир,  
Сен ҳам бир чалғига эга бўлиб тур.  
Сен ҳам менинг онам, оқ кўнгил бекач,  
Нонингни ёпавер олмасдан ҳадик.  
Тандирдан узганинг—буғдой нон егач—  
Буғдойзорга учмай, қайга кетардик.  
Сенинг фарзандларинг дала боласи—  
Боқ, келар, уларнинг гала-галаси.  
Она чумчуқ тишлаб келганида дон

Паллапонлар шундай чирқиллашади.  
Болаларинг билан сен ҳам ет омон—  
Ҳадемай далада бугдой пишади.  
Унда янги ундан мен ясай ширмой—  
Ҳасратларда куйсин ўз кўркидан ой.  
Упамиз меҳрингдан тўлишган донни,  
Интиқ дилнинг интиқ шеъридир бу дон.  
Менинг заҳматкашим бободехқоннинг  
Сунбула сувидек теридир бу дон.  
Бобо деҳқонимни чалиб дил найин—  
Пишиқчилик билан қутлаб қўяйин.  
Уриб, йиғиб яна дон сочдинг у чоқ,  
Кўклаган далада қуёш базм қурсин.  
Меҳнатинг маҳсулини яна татимоқ  
Оппоқ сочли бобом, сенга буюрсин!  
Дала ҳосил билан тўлиб балққан чоқ  
Ўзингга буюрсин илк чалги тортмоқ!  
Шукур, минг шукурки,  
Бугун далаларда  
Сен бардам юрибсан, белга уриб бар..  
Далаларда кузги бугдой ниш урар..

## БОЛАЛАРИНГНИ ҚҰЙ

Ойи!  
Болаларингни қўй, қирларга кетсин,  
Қирда ёйилгандай тўп қўзичоқлар.  
Яланг оёқларин кўкат беркитсин,  
Шундай ўйнаганмиз биз ҳам бир чоқлар.  
Шу хил ўйнаганлар, ота-боболар—  
Тушдай ортда қолган у кунлар бироқ.  
Мана силай-силаё мискин саболар—  
Сенинг сочингга ҳам қўндирмоқда оқ.  
Бугун ололмайсан хотирингга ҳам—  
Сен ҳам чопганмисан қирларда ё йўқ.  
Кўрдингми, қанчалик куйиб-ёнма кам—  
Умр учмоқда-ку бамисоли ўқ.  
Сочларинг тўкилар, умрдан йиллар—  
Тўкилиб кетмоқда сочдай беаёв.  
Аммо сен қирга боқ, ундаги гуллар—  
Ёнмоқда, ёнмоқда, нақ қизғиш олов.  
Ойи!  
Гўдакларинг кетсин тортмасдан ҳадик—  
Олов иси бўлсин у қучоқларда.  
Оловда чақнасин беғам болалик—  
Қирда ёйилган тўп қўзичоқлардай—  
Болаларингни қўй, қирларга кетсин.

\*       \*

\*

Бошимда юлдузлар тумани,  
Оёгим остида тупроқдир.  
Дардимни сўрмагил қўй, мана,  
Дардларим юлдуздан кўпроқдир.

Юлдузлар тумани тўзғиган—  
Уйларим ҳам тўзғиб кетмишдир.  
Гоҳ, юлдуз, гоҳ туман сезгидан,  
Бу кўнгил гоҳ нохуш, гоҳ хушдир.

Уйимга келурсан сен кириб,  
Тиклана бошлагай журъатим.  
Устидан туманни сидириб  
Томоша қилурман суратинг.

\* \* \*

\*

Сўнги япроқларин тўкар дарахтлар,  
Сўнги япроқларда сўнаётир куз.  
Япроқлар шивирлаб «биз ҳам бир вақтлар—  
Яшил бўлган эдик»—дейдилар маъюс.  
Менинг ҳам баҳорим бормоқда ўтиб,  
Гоҳида виждонни қийнайди қаҳр.  
Мен ўтли қуёшдан юзим беркитиб  
Ундан керагича олмадим баҳр.  
Обдан чатнамадим ёз иссиғида,  
Ойдин кечаларда шивирладим кам.  
Кузак шамоллари ўткир тиғи-ла,  
Чирт узиб учирар бир кун мени ҳам...  
Бироқ ҳали баҳор, олдда—азиз дўст,—  
Дилни шўх туйғулар ўртаётган кун,  
Сўнги япроқларда сўнаётир куз,  
Менинг яшиллим ортаётган кун.

\* \* \*

\*

Тупроғига эгил оламнинг,  
Унда унган бугдой таъмин тот.  
Тугал қўшиқ дегин оламни,  
Иўқса тугал бўлмайди җаёт.  
Тўлиқ дегил севги жомини,  
Гулларини сара, де, сара.  
Иўқса севги эҳтиромини  
Қолдирарсан аросат аро.  
Улмайман, деб яшаки, гарчанд,  
Сурунса ҳам отимиз бир чоқ.  
Учмоқ ишқи овора-ю, банд  
Қилсин бизни то бўлгунча хок.  
Дўсту ёрга боқмагил кибор,  
Кибрили кўз бўладир сўқир,  
Қай бурчакда тиниқ нурки бор  
Унга қўшиб, ўз нуринг йўғир.  
Вақти келди, ёйил, нур бўлиб  
Олпоқ нурга беланмишдир ишқ.  
Сенга сирли бир гурур бўлиб  
Сочларингга иланмишдир ишқ.  
Қайта гўдак бўлиб, сен қучиб,  
Суйганингдай мунис онангни,  
Бахтнинг минг бир жилоси учун  
Тупроғига эгил оламнинг.

\* \* \*

\*

Сен менинг қалбимни этмадинг фаҳм,  
Буни яшириб ҳам нима қиламан.  
У ёлворар, мен ҳам қилмайман раҳм,  
Мен унинг ишқидан куламан.  
Рад этиб, қозониб муваффақият,  
Менда қасд олмоққа турдирдинг ният.

Мен-ку ногоҳ сени атадим тангрим  
Ногоҳ ҳузурингда қилдим-ку сажда.  
Узим сезмай, дилда бир қўшиқ янграб,  
Унда сенинг номинг куйланди авж-ла.  
Шунда сен отдингу, лоқайдликдан тош,  
Ғавғоларда қолди севилмаган бош.

Энди мен эътиқод қилай шимага,  
Қимнинг сири босиб, шошиб, қолай лол.  
Эшкакчи бўлмаса, агар кемага—  
Денгиз, сайр орзуси—шунчаки хаёл.  
Хаёлим сарсари, кўзларимда нам,  
Ҳувиллаб турипти кимсасиз кемам.

У менга гиргиттон, эй ҳаёт она,  
Унинг илинж қалбин мендан совутгил,  
Менинг севмаслигим қилмагил таъна,  
У қушдай бегуноҳ, уни овутгил.  
Яна тушунтирки, уринмасин ул,  
Уч туташмас йўлдир, бизлар тушган йўл.

## КЎКЛАМ СУВИ

Кўклам суви тоғдан келар югуриб,  
Югуриб келгандай ёшлигим менинг.  
Унинг шиддатидан кўз олмай туриб  
Қувонгим, қуюнгим келар теппа-тегг.  
Унга дегим келар: — Ҳовлиқма бола,  
Фақат ерда сенмас, кўкда бор жала.  
Осмон сўрамасдан олиб қамчисин,  
Сенга қуяр унинг томчи-томчисин.  
Яна шамол сеїдек, ҳовлиқма, дайди,  
У хазон, хасларни сенга ҳайдайди.  
Одамлар ҳам сенга очарлару йўл,  
Сўнг ҳафсала билан ювиб кетар қўл.  
Гоҳ сенга ташлашар сўлимаган гул,  
Гоҳо бефарқ тўкиб оқизарлар кул.  
Энди йўлга чиқдинг сен ўзингни бос,  
Ҳовлиқма, орзуга қўймагил ихлос.  
Бу ҳаёт кўп савдо соладир бошга,  
Ихлос қўй, ихлос қўй, сокин бардошга.  
Гарчанд кўк новдадай синарсан бир кун,  
Қайдадир, йўлларда, тинарсан бир кун.  
Кўклам суви тилга кирар кўпириб.  
«Ҳаёт бўлса ҳамки сен айтганигдай,  
Ҳамма чалаверсин найин шай туриб,  
Аммо ўз ҳолимча мен ҳам чалай най.  
Бугун айтма менга бу хил ўгитлар,  
Гўдак кексалигин ким маъқуллар, ким.  
Йўлимда унадир кўкатлар, ўтлар,  
Улар ишқи менга бермайдир тиним.  
Сўнги томчиларим қолгунча қуриб  
Кўпириб оқарман, шошиб, кўпириб».  
Кўклам суви тоғдан келар югуриб,  
Югуриб келгандай ёшлигим менинг.  
Унинг шиддатидан кўз олмай туриб  
Қувонгим, қуюнгим келар теппа-тегг...





## УЙГА

Уйдан чиқдим, юракка жойлаб  
Изтиробу аламлардан куч.  
Шўхчан шамол тургандай пойлаб—  
Остонада келар менга дуч.  
Чиқдим, худди қўргошиндай зил—  
Зил бир юкни уйда қолдириб.  
Остонада шафақ ним қизил  
Енабошлар шодлигим кўриб.  
Тузинг ҳаққи, мени кечиргил—  
Қололмадим, бир умр сенда.  
Дил қушимни эркин учирдим—  
Шундай истак бор эди менда.  
Ўзинг кечир, айблама мени,  
Оҳ, сенга кўп қўшиқ айтардим.  
Учмоқ бўлган куйим, дардимни—  
Деворларинг лоқайд қайтарди.  
Дунё гўзал, дунё қандай кенг—  
Истайманки уфқига етсам.  
Айт маъқулми, ҳисларим менинг,  
Тўрт деворга ем бўлиб кетса.  
Ким ўт бўлмас менинг ёшимда,  
Лоқайд ўтган бу ёшда ким бор?  
Туғёнли ўй ўйнар бошимда—  
Туғёнларга туғён қўшгим бор.  
Шулар сабаб, оппоқ тонг чоғи  
Уфқ қизариб ёнаётган дам—  
Мен тарк этдим иссиқ қучоғинг,  
Ортиқ энди айблама сен ҳам!  
Тузинг ҳаққи, мени кечиргил.

## ҲАСРАТЛАРИМ МЕНИНГ

Юрагимда тўлқин урар ҳасратим, дардим,  
Ҳасратларим менинг шавққа ўхшайди бир оз.  
Юрагимда куртак ёзар олчанинг барги—  
Ҳасратимда бир эркалик, дардимда бир ноз.  
Кўклам ёмғири қуяди, дарчам ортида  
Оппоқ гулга кирган олча шохларин эгиб.  
Сиз эй, менинг юрагимнинг ёрқин юртида  
Савлат тўкиб яшаётган сўмбатли бегим,  
Келиб шарҳи ҳолимизни сўрмайсиз нечун,  
Мактубингиз сирингизни қилса ҳамки фош.  
Бу боғларга келсангиз гар бир бор биз учун  
Гул-чечаклар тилга кириб кўтармасми бош.  
Бегим, тугатиб бўлмайди дунё ишини  
Гарчанд мактуб, мактубингиз тасалло дилга.  
Биз томон равона айлаб ҳумо қушини—  
Йўқлаб келадурсизми,—деб қарайман йўлга  
Баъзан хавотирдан ҳуркар кўнгил оҳудай  
Балки йўлдан урар Сизни бир маккора қиз.  
Аммо, қаттиқ ишончим бор, Сиз макр, оғудан—  
Юксакларда гул очган бир боғдан ўтурсиз.  
Қалампирмунчоқ ҳидини анқитиб у дам  
Қаршингиздан мен чиқарман атиргул мисол.  
Ҳасратларим муродига етар шу кундан  
Ҳасратларим менинг орзу, уммеди висол.  
Юрагимда тўлқин урар ҳасратим, дардим,  
Ҳасратларим менинг шавққа ўхшайди бир оз.

\* \*

\*

Гулни сескантирар булбул нолиши,  
Аёлнинг урчуғи айланар чир-чир.  
Булбул нолиши—у, менинг хонишим,  
Урчуқ—умр йилларим айланишидир.  
Йигиради мени уқувли бекач,  
Гоҳ ингичка тортиб сукут қиламан.  
Унинг келишимли қўллари теккач  
Яна бир маромда йигириламам.  
Бекачим, қўлингдан пишиқроқ чиқсам,  
Ингичка-ю, йўғон алмашавермай!  
Гарчанд сен, ҳаммани кузатгувчисан,  
Гарчанд, йигирасан ҳаммани бирдай.  
Бошланган дам борми, келар охират  
Бир кун паймонамдай тўлади урчуқ.  
Ва мен—ипларингни салмоқлаган пайт  
Дилинг ўз ишингдан бўлсин дейман тўқ.  
Яроқли чиқдимми, синчиклаб сокин,  
Сўнги дам юзларинг ёришсин ойдаи.  
Ўрмак учун мени танлаб ол, токи  
Чиқинди ипларга қўшиб юбормай.

## ТИЛАК

Зиналардан айвон сари чиқмоқдаман аста-аста,  
Унда онам шошқин урчуқ йигиради бу нафасда.  
Йигиради калавасин бир урчуқ ип этмоқ учун  
Югуради бу дунёнинг поёнига етмоқ учун.  
Кекса ақлин яратмишин гилам қилиб ёймоқчи у,  
Неварасин гиламини ҳозир тўқиб қўймоқчи у.  
Жоним онам, бир зумгина урчуғингни қўятургин,  
Уралишган неварангни суятургин, суятургин.  
Тили чучук бижилдоғинг урчуғингни қўйгин дейди,  
Ишларингни четга суриб, фақат мени суйгин дейди.  
Биз ҳаммамиз шундай, она, ўтказамиз сенга сўзни,  
Сен бор юкни кифга олиб ўтказасан ризқни-рўзни.  
Қайдан билсин, ўтган, ўтиб бораётган асрларда,  
Кошонаси қуёш қадар ярқираган қасрларда  
Яшашли ер боғларини яна гуркиратмоқ учун,  
Қора сочига қор ёғиб, билагидан кетиб кучи,  
Шу муштипар бувисининг гишт қўйганин, гул экканин  
Дунё ғами, шодлигини бесўзгина, жим чекканин.  
Қайдан билсин, агар она тўхтатса бу курашини,  
Тирикликнинг пойдевори туб-тубидан нурашини.  
Билсанг бола, бу ҳаётда бувинг тирак, бир устундир,  
Унинг билан ўтган ҳар кун бир байрамдир, ёруғ  
кундир.

Гўдак тилак тилар бўлса, дерлар «бажо бўлар»

эмиш,

Бувижонин, ёруғ кунни, умрин тила, бегуноҳ қуш!  
Умр бўйи йигирди ул, бугун яна урчуқ тўлар,  
Йигиргани иплар қадар бувинг умри узун бўлар.  
Зиналардан айвон сари чиқмоқдаман аста-аста,  
Унда онам шошқин урчуқ йигиради бу нафасда...

## МЕН СЕН БИЛАН ХАЙРЛАШГАН ТУН

Мен сен билан хайрлашган тун қаро эди, қаро эди,  
Тун бағри бут, менинг бағрим яро эди, яро эди.  
Тун бағрида қолсин дардим, кўрмасинлар, кўрмасинлар  
Кўриб биров расту биров рўё томон бурмасинлар,  
Тилимга-ку ишончим бор, итотсиз сўлса рангим  
Мен тингларман юлдузларнинг сукутинмас, шўх  
жарангин

Ярқироқ ой шуъласида тол-тол бўлиб эшиларман,  
Хушбахт дўстлар даврасига ўзим уриб, қўшиларман.  
Ва аччиқма-аччиқ туриб, бахтга қарши бахтки барбод,  
Бахтлилардан шиддатлироқ куйларман шод, куйларман  
шод.

Аминманки, авжим билан шу биринчи даврадаёқ,  
Ўзимга тонг яратарман, тонгим менинг отар оппоқ.  
Тунда қолар дардим менинг, нурлар чаяр юзларимни,  
Унутишнинг сели ювар, дилнинг армон, изларини.  
Аччиқ ўйлар тўзонидан ўзни олиб чиқиб кетиб,  
Бир гул янглиғ очиларман нур қўйнида жавлон этиб,  
Ким ҳам билсин, сўкилган дил чокларининг битишини,  
Баъзида гул, ҳасратлардан ортиқ яшнаб кетишини.  
Мен сен билан хайрлашган тун қаро эди, қаро эди..

\* \* \*

\*

Куйлангиз ҳей, мен қўшиққа жўр бўлгим келмоқдадир,  
Уфқнинг қизгиш нурларидай қуйилгим келмоқдадир.  
Йигирма беш ёшнинг куйи вазмин тортса-да не тонг,  
Ўз-ўзимга бола бўлиб туюлгим келмоқдадир.  
Ўзни гўдак, отамни-чи ўгтизида кўряпман,  
Ушинг йигит юрагида ўт қизиди, кўряпман.  
Чавандозлар аро ғолиб, соврун олиб қайтган дам  
У онамга от жиловин тутқазоди кўряпман.  
Онам худди йигирмада, ғунча мисол очилган  
Тосдай қора сочи ортда тўлиб, тол-тол очилган.  
Биз бир рангсиз гулмиз ахир, у ҳуснинг олдида—  
Қирқ йигитни қирқ тарафда қолдириб дол, очилган.  
Қирқ ошиқни, кун келди-ю, чол атади бу йиллар,  
Мўйсафидлар забонини бол атади бу йиллар,  
Афсус, бугун оталарни тугал санай олмадим,  
Қай чаманга учмиш улар, лол, айтмади бу йиллар.  
Дунё сендан рози бўлиб, сархуш ўтдимиз улар,  
Сенга келган тўфонларга бағрин тутдимиз улар?  
Уфқни кўзлаб уча-уча, кун келганда сездирмай  
Нурланди-ю, ёрқин уфққа сингиб кетдимиз улар?  
Шу саноқда йўқлар ҳаққи, соғинишдан куйлангиз,  
Бедардларни бағрин ёқиб, доғи ишқдан куйлангиз,  
Соғинишдан қолмади ул сочининг қаро толаси,  
Кўнгилни ҳам оқартувчи оқ қўшиқдан куйлангиз.  
Куйлангиз ҳей, мен қўшиққа жўр бўлгим келмоқдадир

## ОТАМ ХОТИРАСИГА

Уриб олар ўрәқчи ўғлон

Р. Ҳамзатов

Шовуллаган буғдойзорда чалғи бўш ётар, дўстлар,  
Чалғини занг босган э воҳ, кетсин чалғининг занги.  
Уни отам туганида қувонар эди кўзлар,—  
Бу кун эса бу савдоли дунё ишин қарангки,  
Ахир буғдой ўримида ундан устаси йўқди,  
Тош қотдиму билмай қолдим, бу ҳол ҳақми, хатоми?  
Қай кун у ўзидан устун ўроқчига йўлиқди,  
Ва у худди буғдойдайин ўриб кетди отамни...



## ҚҰЛЛАРИНГ

Қўлларингни ардоқлайман, қўлларингники,  
Менга шодумонлик чечакларин тутарлар.  
Хаста лабларидай қуруқ ерга уруғ тикиб,  
Ҳосил кутарлар.  
Сочларимни силадинг сен, ердан озиқ олиб,  
Чирой очган гул мисоли ўсди у тол-тол  
Тол-тол қора сочларимга боғланди хаёлинг  
Шу кун эҳтимол.  
Гул тутади, шамолдайин сочларим силайди,  
Эркалаб багринаи ёзиб кенг.  
Уйлайман, умримга умрлар улайди,  
Қўлларинг сенинг.  
Ва лекин—  
Ҳар ҳолда турмушнинг бошқадир йўриғи,  
Гул ҳидлаб кинода умр ўтмайди.  
Ўтмаслашиб қолар гоҳ пичоқнинг тиғи,  
Рўзғор юмушлари усиз битмайди.  
Ўзимизга ва дунёга яратаркан тирак,  
Гўдагимиз билан кўришиб висол.  
Қўлинг уни қуёш қадар кўтармоғи керак  
Севина-севина гул кўтарган мисол.  
Тиниқ осмон кутмаган дам тундлашару бирдан,  
Ёмғир қуяр ювиб ёзнинг далаларини  
Шундай кунлар ўзинг ўша қўлларинг билан  
Арт, сездирмай кўз ёшимнинг жалаларини.  
Қўлларингни кўзга суртай, мен то сўнги дам,  
Аёл истар рўзғорининг бутун бўлишин.  
Кузда ўктам кўтара ол, пичандан ғарам  
Қуяркан шўх кузатиб тур қадаҳ тўлишин.  
Кучли қўллар меҳри қора сочни узайтди.  
Тингласа гар тақдир аёл қалбининг сасин,

Сочларида битта қора қолмаган пайтда,  
Майли титроқ, аммо ўша қўллар силасин.  
Бу энди куз, куз сўнги-ю аёзли қишдир.  
Бизда эса кўклам энди бошланди ахир.  
Боламисол ялангоёқ кезмоқлик ҳушдир,  
Қирнинг лолалари сўлиб бўлгунча тақир.  
Эҳ-ҳе... лолалар-ку, ҳали юз очгани йўқ,  
Узаймоқда менинг қора сочим дам сайин.  
Бизга аталмиш қадахлар турар лим тўлиқ  
Чанқоқ бўлиб лабга босдик тириклик найин.  
Эзиб дил чертганда ҳали найнинг навоси—  
Мудраётган кўнгилларда қушлар базм қурар.  
Бағирларни тўлдираркан кўклам ҳавоси—  
Қизлар лаби қизгалдоқлар тусига кирар.  
Ва қўллар ҳам; қўлларингга қайтдим мен тағин,  
Темир қуймасидай кучга тўлмоқда бу тоб.  
Улар менга тутмоқдалар кўклам чечагин,  
Бу чечак, бу икки қўлни қилурман тавоб.

## ОҚ ЧАМАН

Оппоқ қордан ер оқарар, оқармоқда кўнгил ҳам,  
Ёғаётган қор остида қолмоқдадир ташвиш, ғам.  
Кўкда кўринмайди юлдуз, бу кечада ёғар қор,  
Жимжитгина, йўловчисиз, бу кўчада ёғар қор.  
Ер бурканар оқ ҳарирга кечалар то тонггача,  
Тўлиб кетар оппоқ нурга кўчалар то тонггача.  
Ҳамқишлоқлар субҳи-саҳар нур оралаб ўтарлар,  
Тушларини тунга тўкиб, тонгни шодон кутарлар.  
Тирикликнинг янги кунин тақдим этмишки тақдир,  
Улар ўтар янги кундан умидлари каттадир.  
Бир нон янглиғ кўзларимга суртиб, ўпмоқлигим чин  
Шу умримнинг бўралаган қорли, қуёшли кунин.  
Бу тиниқ тонг қоним қизиб, шўх қўшиқлар айтаман,  
Дилни яйратмасми бу ранг, куйи ниҳон оқ чаман.

Оппоқ қордан ер оқарар, оқармоқда кўнгил ҳам.

## СИЗ ДОНО ЙИГИТСИЗ

Сиз доно йигитсиз, оқилсиз жуда  
Менинг шўхликларим, аммо, авжида.  
Фурур, шодонлигим ортиқдир баъзан,  
Ғўрлик, нодонлигим ортиқдир баъзан.  
Сархушлик жомингиз мен тўкар бўлиб  
Туйғуларингизга кўру кар бўлиб  
Кетгум дилингизда ўчириб чироқ  
Сиз-чи сезмаганга оласиз бироқ.  
Бесабаб қаҳқаҳам чақса ҳам чақин—  
Беозор жилмайиб қўясиз боқиб.  
Эркалигим ортиқ этганда ҳам лол  
Илк кўклам тошқинин кечирган мисол.  
Кечириб кетасиз жимгина суйиб,  
Бу илтифотлардан юрагим куйиб,  
Ҳижолатдан аччиқ ёшим қуюлар,  
Бу ҳол кеч кузакдай совуқ туюлар.  
Тантиқ қизалоғин севган отадай,  
Сиз кечиримлисиз, аммо, хатодай,  
Менга булар хато, қизиқ тасодиф.  
Ё уқувсиз аёл йигирган бир ип—  
Мисол узилару тугайди тушдай,  
Ва мен нафас олгум бир эркин қушдай.  
Олтин қафас ичра, ортиқ йўқ чидам,  
Сиз доно йигитсиз, оқилсиз жуда...

\*           \*

\*

Сени кимлар қилмайди талаш,  
Кимлар юрмас ортингдан дайдиб—  
У кўп кўрган меҳр, эркалаш—  
Бошқаларга насиб бўлсайди.  
Бор гап шунда, ўзгалар сени,  
Ардоқлашга топмайди имкон.  
У ҳаттоки сезмас ҳиссингни—  
Интиқ қалбга тўлдирадир қон.  
Шу қон билан яшайсан бесўз—  
Умидингдан кутиб тантана.  
Ўнгда кўрмай хира тортар кўз—  
Тушда кўриб шодмонсан яна.  
Умр ўтмоқда шу хил, фараҳсиз—  
У ўзига кўрмас сени эп.  
Бирни ўйлаб яшарсан бахтсиз,  
Миңга бахтсиз яшар сени деб.

## СЕВАН ҚОШИДА

Арманистон сафари хотираларидан.

Юрагингни титратди-ю бир иштиёқ, чанқоқлик,  
Севанга дуч келиб қолдинг, пинҳон унга ёш тўккин.  
Ундан тила ўзи янглиғ улкан меҳр ила поклик,  
Гурурингдан устун келиб ҳузурида тиз чўккин.  
Дейлик сени қондирмади шу улкан кўл, шу наҳр  
Сезмай қолдинг бир умрлик узилмас гам қилди қул.  
Энди дунё шавқларидан ўтажаксан бебахр,  
Ахир энди дуч келмайдир, бундай тиниқ, зилол кўл.

## АРМАНИСТОН

Арманистон фақат сархуш, дилкаш май эмас,  
У минг йиллар зарбин еган жабрдийда тошдир.  
Ғам ўт бўлиб уни тошдай кўп куйдирди, бас—  
Арман ўтдан омон қолган тошдай бардошдир.  
Зварноцнинг бургутлари талпиниб турар—  
Кўкиш туман қоплаётир қалин ўрмонни.  
Хаёлда бир меҳрибон дўст сурати юрар,  
Хаёлимда тикладим мен бу кун арманни.  
Ақиқчадай бир шаҳарча бағрига олди—  
Чироқлари минг йиллардан сўзлади дoston.  
Яйраб-яшнаб кутиб олди, сўнг олди-ю, тин—  
Ўтмишини куйлаб берди мунгли Ҳаястон.  
Мен-ку, унинг юрагига далда бўлардим.  
Мен-ку унинг бугунидан қилардим фахр.  
Аммо юрагимга аччиқ алам тўларди,  
Қанча ўққа нишон бўлган бу кичик бағр.  
Бир тун икки минг бош ўтиб ёв қиличидан,  
Мотам учун қолмаганда ақалли бир зот,  
Қандайдир бир гўдак қай бир кулба бурчида,  
Қолган бўлса, шуникидир, балки бу авлод.  
Майдан масрур, унутибди ваҳший ҳоқон ҳам  
Жангнинг жароҳати мисол арман уруғин.  
Ўйлабдими замон келиб, айланиб олам,  
Дунёларни шу гўдакнинг тутар доврўғи.  
Уни ёнғоқ дарахтига қилдилар қиёс,  
Мевалари ёт элларга кетмиш сочилиб.  
Бу ҳол менинг элимга ҳам ўхшайди бир оз,  
Мен ҳам қадим элдошларим эслайман тўлиб.  
Асов дунё денгизида бўлса ғалаён—  
Кемалар фарқ бўлар, бўлар йўқолган пайтлар.  
Фарзандингга садоқатли бўлгин, онажон,

Ризқин териб бир кун улар бағрингга қайтар.  
Ва бир вақтлар ғамлар чўккан тош қасрларда  
Шоҳона бу кун сурурин кўрарлар баҳам.  
Арман қадди эгилмаган тош асрларда,  
Шундай ғолиб яшар Арман бундан кейин ҳам,



\* \*  
\*

Бахтли аёл дермиш мени халойиқ.  
Зулфия

Оташ давраларда шўх-шан эмишман,  
Энг бахтиёр қизга ўхшар эмишман.  
Сезилмасмиш, дудсиз ўтда мен куйиб,  
Ёниқ ишқ мактубин ўтга отганим.  
Муҳаббатнинг хазон либосин кийиб,  
Боли қолиб, кўпроқ заҳрин тотганим.  
Сезилмасмиш...

Ногоҳ бахт уйини осон топганим—  
Унда мени чорлар дарча бўлгани—  
Мен эса бепарво—  
Дарчани ўз қўлим билан ёпганим—  
Сўнг дардда қалб парча-парча бўлгани—  
Сезилмасмиш.

Танҳо дамларимда ўзим билан банд—  
Минг бор тирилганим—минг бор ўлганим.  
Инглаб чиққанларим узун тун билан,  
Ва йиғидан бодом қовоқ бўлганим—  
Сезилмасмиш.

Тонгда, ҳамма дардни кўнгилдан қувиб—  
Сўлиш билмагандай хушбахт, хотиржам.  
Шўр ёшларим билан юзимни ювиб—  
Оппоқ тонгни кулиб қаршилашим ҳам—  
Сезилмасмиш.

Оташ давраларда шўх-шан эмишман,  
Энг бахтиёр қизга ўхшар эмишман.

## ҲАЁТ АРАВАСИ

Тушиб қолдик бир аравага  
Учқур эди отларимиз ҳам.  
Тўғри келди ҳайдамоқ менга,  
Сен борардинг ястаниб беғам.  
Қамчи босиб сенга қасдма-қасд,  
Аравани учирганим дам  
Қилмас эди йўл сурури маст,  
Иир бўларди завқим, ҳафсалам.  
Араванинг қўша отини  
Қамчилаб мен жиқ терга ботдим.  
Тортдим йўлнинг машаққатини—  
От жиловин сен томон отдим.  
Зарда билан ўрнингдан туриб,  
Қамчиладинг отларни сен ҳам!  
Ултирардим мен силлам қуриб,  
Аравада недир эди кам.  
Ҳайдаркансан шиддаткор, лоқайд—  
От йиқилди мункиб кетдик биз,  
Ағдарилди арава шу пайт,  
Икки ёнга учдик иккимиз,  
Турарканман, мен қайта у дам—  
Тушмадим сен билан бир изга,  
Боқмадим ҳам йўл ўртасида  
Ағнаб ётган аравамизга  
Ва пиёда, тезлаб кетдим мен—  
Уз аравам излаб кетдим мен.

\* \* \*

\*

Кенгликларда бугдой пишиги—  
Шовиллайди олтин бошоқлар.  
Кенгликларни меҳнат қўшиғи—  
Ишқ қўшиғи тутган бу чоқлар.  
Етиб қамиш чайлада сармаст,  
Туилар уни тингларман бедор.  
Йўқ, бу оддий ҳиссиз қўшиқмас,  
Бу қўшиқда одам қалби бор!  
Сап-сариқ дон, ризқим кафгимда  
Унда пинҳон заҳматкаш қўли  
Ва ёнгувчи қалбини тафти ҳам!  
Ёдга тушар деҳқоннинг ўғли:  
Кенг елкалар паҳлавонга хос,  
Кучли билак—ундиргувчи нон.  
Сени кимга айлаини таққос—  
Қорача юз, қора кўз ўғлон?!  
Ўзни сақлаб қуёш тигидан,  
Оқ сурп желак ёпинган келин,  
Бунча иссиқ истаранг сенинг!  
Хушсуратсан, монанди элим!  
Соқоллари кўксига тушган  
Оқ ятакли боболар бунда.  
Хайрли ишга ҳамма бош қўшган,—  
Ўзбекларнинг одати шундай.  
Ўртададир тўкин дастурхон  
Олиб келар ҳар ким топганин.  
Мен ҳам қилай боримни эҳсон—  
Элимники борлиғим маним.  
Кексайдинг сен, фарзандлик бурчим—  
Сенга мадад бўлай мен, она,  
Шу дастурхон бутлиги учун—  
Уроғингни олай мен, она.  
Кенгликларда бугдой пишиғи...



## ШАМОЛ

Шамол...

Елар...

Елар...

Йироқлардан ёмғир иси,

Гул исини олиб келар.

Ёмғиру, гул исларидан яйраб жоним

Шамолларнинг қучоғига ўзим уриб.

Кетмоқдаман томирларда қизир қоним

Шан гупуриб.

Гўдак мисол эркаланиб эсар шамол

Шамол гўдак нафасидай майин, майин

Унинг сепган атрлари очар жамол

Эсган сайин.

Сархуш, сархуш оҳангларга сингиб кетиб

Шамолларга ўралганча учмоқдаман.

Учар экан, кўп сирларни англаб етдим.

Шамол кўрдим турли қитъа, пучмоқда мон.

Шамол кўрдим қўланса ҳид ичра юрар

Куюк тани ачиштирар сепгандай туз

Юрагингга ором эмас, олов кирар.

Бурқсиган ер шамолига бурганда юз

Боғ бағрига мевалармас, ғам тўкилиб

Дайдир шамол, қочмоқ учун тополмай йўл.

Гоҳ учқунни пуфлаб-пуфлаб ёнғин қилиб

Кул тепалар ҳосил қилар қутуриб ул

Шамол аламзада инсон, эркисиз кучли

Урар, йиқар артмай кўзин ёшларини,

Тошдай қилиб бир-бирига уриб ўчли

Мажақлайди эзгувчилар бошларини,

Нондек суюк чақалоқни кулга кўмиб,

Паришон, сочлари тўзиб чопар шамол.

Аёл мурдасининг очик кўзин юмиб  
Очик қолган кўкрагини ёпар шамол.  
Қасоскор қўл жомга заҳар қуяётир,  
Қасоскор қўл босқинчига тутмайди бол.  
Жулдур кўйлак этаклари қуяётир.  
Фақат, ўзинг куйиб кетма, ёвқур шамол!  
Шамол асли шамол эмас, сенсан дўстим,  
Шамол яна шамолмас, йўқ менинг ўзим.  
Мана шу хил эсиб, қанча йўлни босдинг  
Ўзгаларга бермайман деб ўз эрк, тузинг.  
Кун келади,  
Кўкка бўяб бу жизганак ернинг тусин  
Хониш қилар узун-узун, эрклик найи.  
Сен эсарсан қучоғингда гулнинг иси  
Гўдак мисол эркаланиб, майин-майин.  
Шамол, шамол—менинг дўстим!

## ЕЛГИЗ ОЁҚ ЙЎЛ

Биринчи қор ухлар яйдоқ далада,  
Шудгорланган тупроқ қор тагида жо.  
Уфқ ним қизғиш тусга кирган паллада—  
Елгиз оёқ йўлдан бораман танҳо.  
Менинг йўлим ернинг қоқ ўртасидай—  
Унда фахрликиб бораман илдам.  
Юмшоқ шудгор, юриш бир оз ноқулай,  
Бордир ёмғирли кун мушкуллиги ҳам.  
Улар бизнинг чайир танларни тоблар—  
Гўдакликдан бошлаб, қилмасдан канда.  
Сезилмайди бизга бу хил сабаблар  
Она кўрксизлиги билинмагандай.  
Шамолларни қувиб, чатнаб ўсганмиз,  
Буғдой совурганмиз унда ризқ-рўзга.  
Қип қизил кўйлақда томга чиққан қиз  
Нироқдан, байроқдай ҳилпирар кўзга.  
Қиш ҳам файзли, оқ тонг келар ёришиб,  
Чарсиллаб тандирда ловиллар ўтин.  
Намхуш туман билан кетар қоришиб  
Сувоқли уйлардан ўрлаган тутун.  
Қутли супра ёзиқ меҳрини қўшар,  
Хамирин зувала қиларкан онам.  
Тонги понуштага хуштаъм нон пишар,  
Буғдой нон исига тўлади хонам.  
Кекса отам гарам қатини бузиб  
лар кун шу пайт томдан туширар беда.  
Гўё янги тонг ва ризқини сезиб  
Сармаст гижинглайди қозикда бедов.  
Силлиқлик бсгона—серташвиш ҳаёт,  
Тўкис бўлмаган шу гўзаллик учун  
Гўдакликдан қалбим бердим умрбод—

Содиқликда билдим фарзандлик бурчим.  
Гоҳ йўлим тушса ҳам ўзга ватанга,  
Туғишганим, сенинг хосиятинг мўл.  
Йироқлардан, суйган болангни сенга—  
Қайтариб келади ёлғиз оёқ йўл!



\* \* \*

\*

Ёш эдим, тойчоқдай тошиб югурдим.  
Дилимни ёндирди хониш қилган най.  
У чоқлар теграмда фақат бахт кўрдим,  
Шоир фақатгина бахт куйчисидай—  
Туюларди менга.  
Ҳаммани бир хилда суяр эдим мен,  
Бироқ, ҳамма бирдай суймади мени.  
Одамлар дардида куяр эдим мен,  
Кимлардир туймади менинг дардимни.  
Одамни фаришта дер эдим, рости,  
Бегуноҳ қушчадай учган пайтларим,  
Унда билмас эдим, ҳа, ўйламасдим,  
Одам одам қонини ичган пайтларини.  
Сўнгроқ ажратдим мен оқни қорадан,  
Сўнгроқ ҳаёт мени домига тортди,  
Гоҳ менинг қалбимни хўрлаб, поралаб  
Завқ-шавқ олганларга нафратим ортди.  
Шундан сўнг фарқладим нафрат нимадир,  
Нимадир у ишонч, нимадир газаб?  
Инсон бу—денгизда қалққан кемадир,  
Ҳаёт эса денгиз, гоҳида азоб.  
Ҳа, бўронлар бўлар денгизда гоҳо,  
Кемани тош мисол итқитар довул.  
Беомон курашлар беради баҳо—  
Яна олишувга ярайдими ул?!  
Довул отларининг туёқларидан—  
Тепки еб, у кема бўлмасми пачоқ—  
Сузарми курашнинг сўнгида бардам—  
Денгиз шамолига очганча қучоқ?!  
Муаммолар бағрин шундай ёряпман,

Мен ўхшаб оқ сочли онам, халқимга.  
Серташвиш дунёга кириб боряпман,  
Дунё кирмоқдадир менинг қалбимга.

## БУ ШЕЪР...

Муҳаббатдай буюк дардга  
Дугона қилар бу шеър.  
Дуч келтирар сендай мардга  
Ягона қилар бу шеър.  
Беҳадик қувонсам қани—  
Сендан шеър суюк бўлгач,  
Кун келару сендан мени—  
Бегона қилар бу шеър.

## СОВЧИ КЕЛАР

Ҳазил

Сендан совчи келар илк бора...  
Сўзамолин танлабсан, балли.  
Аммо билки, совчинг бечора,  
Етолмайди мақсадга ҳали.  
Онам бу гал—худди сутдай оқ—  
Бир оғиз дер: «Отасида гап!»  
Оқдил довдир отамни бироқ—  
Ўзи обдан қўйган пишиқлаб.  
«Ўзни босинг, ҳой ҳовлиқма чол—  
Ун саккиз йил қиз боққанмиз биз.  
Кўп келади, келмаса малол,  
Осон эмас ўстирмоқлик қиз.  
Подшо ўғли бўлса ҳам куёв,  
Бир одам-да боши юмалоқ.  
Мен бу галча боқмайман қиё,  
Бир гап бўлар яна келган чоқ.  
...Нақ осмондан келади отам,  
Мақтовга зўр беради совчинг.  
Мусичадай «беозор» онам—  
Бир чеккада ўлтиради жим.  
Совчинг кетар, отам дер: «Аттанг,—  
Қуда бўлсанг арзирди, хотин»  
Онам кулар: «Шошқалоқ отанг—  
Ҳовлиқма-да эркаклар зоти».  
Иккинчи бор келади совчинг—  
Яна обдан пишитган онам.  
Отам худди туради сапчиб,  
Онам тилга киради шу дам:  
«...Сал инсофга келинг, отаси,  
Қизингиз ҳам бўй етиб қолди.  
Ўша бўлса тақдир атоси—

У бола ҳам йигитлар олди».   
«Йўқ бўлмайди»,—дер отам дангал,   
Ҳафсала-я мўйловин бураб.   
Онам шипшир: «Шаштдан тушсин сал—   
Бошқа куни келинг, қиз сўраб».   
Совчинг кетар, отам дер: «Мунча,—   
Хотин, икки келгани камми?»   
Совчинг эса кета-кетгунча —   
Ёмонлайди бир сўз отамни.   
Учинчи бор келаркан кириб—   
Совчинг, отам бу гал демас «йўқ»,   
Чунки онам «хўп ялинтириб—   
Сўнг кўнасиз» деб қилган буйруқ.   
Совчинг келар, отам дарғазаб..   
Онам-чи...жим, «Отасида гап».

## ҚУЁШ НУРЛАРИГА ЧИРМАШИБ

Мен қуёшнинг нурларига осияпман,  
Осияпман чарчоқ нима билмай бетин.  
Ул қуёшни излаганим «манзил»,—деб мен,  
Чирмашыпман нурларини арқон этиб.  
Игирилгандир бу арқон пишиқ, пишиқ,  
Арқондан ҳам пишиқроқдир менда вужуд.  
Осияпман тилларимдан учар қўшиқ,  
Қўшиқ бўлиб ўрламоқда дилимдан ўт.  
Тоғ боласи энчилликда худди кийик,  
Қояларда чиллак ўйнар елдай елиб.  
Шамол билан қўл ушлашиб йўл олар тик,  
Чўққиларга ва най чалар тўлиб-тўлиб.  
Тўфонларда қолган унинг жажжи боши,  
Тош урилиб ёрилгандир неча қайта.  
Балки юздан ошиб кетар унинг ёши,  
Кечган кечирмишларини ёзган пайтда.  
У аввали тетапоя бўлди тоғда,  
Юмаланиб кетди ногоҳ пастлик сари.  
Онаси ҳам есзмай қолди, тушган чоғда,  
Кўриб қолди тоғ каврагини меваларин.  
Ииғлаб-сиқтаб кавракдан хўб териб еди,  
Унут бўлди баданини қирган тошлар...  
Иилар ўтди, учқур тойчоқ бола энди,  
Йўл болани қояларга томон бошлар.  
Сўнг чўққига, шу тинмагур болакайим,  
Менинг ўзим, мен чўққига чиқиб олиб  
Қарасамки, қуёш порлар борган сайин,  
Қарасамки, у юксакда турар ғолиб.  
Ва чирмашдим унинг арқон нурларига,  
Менинг чайир қўлларимни бўлмас узиб.  
Тортмоқ бўлар гоҳ бўронлар ўз қаърига,

Қўлчаларим толнқайтганин сезиб.  
Бу бир зумлик, мен ўзимни ростлаб олиб,  
Яна чирмашяпман бир ўй ҳоким бошда.  
Кўк тахтида бир қуёш бор юксак, ғолиб,  
Ғолиб бўлар кимки етса ул қуёшга.  
Мен қуёшнинг нурларига чирмашяпман.

## МУНДАРИЖА

Қўшиқларим . . . . .	3
Қизил гул . . . . .	4
Инсонни куйлаш учун . . . . .	5
Қўлларим куйламоқда . . . . .	7
Шошма қуёш . . . . .	9
«Қор оқ ипак чувалади» . . . . .	12
Сурур . . . . .	13
Бағишлов . . . . .	15
Бир инсон . . . . .	10
Наврўз . . . . .	17
Ўн саккизим . . . . .	19
«Учирма қуш, полапоним учмоққа шайланади» . . . . .	21
Кузининг дийдори . . . . .	22
Алвон ранглар . . . . .	24
Юрак, менга омонатга беришлар сени . . . . .	25
Қаптар учирамиз . . . . .	26
Бегим, сизни табнат . . . . .	28
Онамга . . . . .	29
«Болакайим, болакайим» . . . . .	30
Илдам бола . . . . .	32
Бир қўшиқ ёзарман . . . . .	33
«Ўйламангки, унинг қалб йўқ» . . . . .	35
«Омон-омон қўшиқларда айт» . . . . .	36
«Буғдойзорга чалғи ту ди . . . . .	37
Ҳамид Олимжонга . . . . .	38
Сураткашга . . . . .	41
Қўклам ўйлари . . . . .	43
Ушбу дам қарори . . . . .	45
Фақат омад . . . . .	46
«Мана, кўндан ўт босиб кетди» . . . . .	47
Менинг чавандоз умрим . . . . .	48
«Умр оти чопағон жуда» . . . . .	49



Бўшатишган от . . . . .	50
Уйғон, болажон . . . . .	51
Болакай . . . . .	52
Гўдакка ҳам қийин . . . . .	53
Юлдузларни осиб бўлмас . . . . .	54
Менга бир коса беринг . . . . .	56
Бобо деҳқошимга . . . . .	57
Болаларингни кўй . . . . .	59
«Бошимда юлдузлар тумани» . . . . .	60
«Сўнги япроқларин тўкар дарахтлар» . . . . .	61
«Тупроғига эгил оламнинг» . . . . .	62
Сен менинг қалбимни этмадинг фаҳм . . . . .	63
Кўклам суви . . . . .	64
Уйга . . . . .	66
Ҳасратларим менинг . . . . .	67
Бекачим пишиқроқ йигиргин мени . . . . .	68
Тылак . . . . .	69
Мен сен билан хайрлашган тун . . . . .	70
«Қуйлангиз ҳей, мен қўшиққа жүр бўлгим келмоқда- дир» . . . . .	71
Отам хотирасла . . . . .	72
Қўлларинг . . . . .	73
Оқ чаман . . . . .	75
Сиз доно йнгитсиз . . . . .	76
Сени кимлар қилмайди талаш.. . . .	77
Севан қошида . . . . .	78
Арманистон . . . . .	79
«Оташ давраларда шўх-шан эмишман» . . . . .	81
Ҳаёт араваси . . . . .	82
«Кенгликларда бугдой пишиғи» . . . . .	83
Шамол . . . . .	85
Ёлғиз оёқ йўл . . . . .	87
«Ёш эдим, тойчоқдай тошиб югурдим» . . . . .	89
Бу шеър . . . . .	91
Совчи келар . . . . .	92
Қуёш нурларига чирмашиб . . . . .	94

На узбекском языке  
ХАЛИМА ХУДАЙБЕРДЫЕВА

**Цветник**

**Стихи**

Редактор Рауф Парфи  
Рассом М. Рейх  
Расмлар редактори Н. Холиқов  
Техн. редактор Б. Шамс  
Корректор К. Абдуллаева

Босмахонага берилди 15/1-74 й. Босишга рухсат этилди 5/IV-74 й.  
Формати 70x90 1/32. Босма л. 3,125. Шартли босма л. 3,51 Нашр.  
л. 3,1. Тиражи 10000 Р. 09399. Гафур Ғулом номидаги Араби-  
ёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 76-73.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия  
ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг Бекобод  
шаҳар босмахонасида № 1 қоғога босилди. Бекобод шаҳри.  
1974 йил, заказ № 2. Баҳоси 39 т.